 ни камолотга етказган уст-
 зозлардир. Биз улардан ум-
 бод миннатдор эканлиги-
 мизни қалдан, амалда на-
 мён этишимиз керак.

— Кўпчиллик санъаткор-
 лар ҳаётига назар сол-
 сак, уларнинг болаликдан
 санъатга қизиқканлигини
 кузатамиз. Сизнинг санъ-
 атга кириб келишининг қа-
 ндай кечган?

— Болаликда ота-она, бо-

Mehmonxonan



га мен сени олим қиламан
 дейди.

— Сизнинг ўйнаган бир
 қатор ролларингизни ку-
 затадиган бўлсан, улар
 асосан комик ҳаракетра-
 га. Буни ўзингиз қандай
 изоҳлайсиз?

— Мен Муқимий номи-
 даги ўзбек Давлат муси-
 қали драма театрида 26
 йил ишлаган бўлсан, кўпги-
 на ижро этган образлар-
 им мавжуд, лекин айрим-
 лари сақланмаган. Шулар-
 дан масалан, "Кизил дур-
 рали нозик ниҳол"да Илёс-
 ни қўшик айтиб ўйнаган-
 ман, "Сув келтирган
 азиз"да Зокирни ўйнаган-

кат қилганман. Чунки ки-
 номи, спектаклми тайёр
 бўлгандан сўнг аввало му-
 аллиға кўрсатилади. Унга
 маъқул келсагина, у кейин
 томошабинга намойиш
 этилади. Асар муаллифа-
 ри шу кунгача мендан ҳеч
 норози бўлишмаган, демак
 образларни, ролларни муал-
 лиф ўйлаганидек яратиш-
 га ҳаракат қилган эканман.

— Бугунги кунда ёшлар
 ҳар томонлама қўллаб-
 қувватланмоқда. Энди-
 гина актёрлик санъатига
 кириб келаётган ёш
 санъаткорларга муносаба-
 тингиз.

— Ёшларнинг нияти
 яхши. Уларда интилиш
 зўр. Ҳавас билан касбга
 қадам қўйишмоқда. Бир
 касбга меҳр қўйдими, шу-
 нинг моҳир устаси бўлиш-
 га астоидил ҳаракат қилиш
 керак. Санъатга
 кириб келаётган ёш ука-
 сингилларимга муносаба-
 тим яхши. Чунки, уларда
 эртанги кунга бўлган
 ишонч бор. Тарихга назар
 солсан, санъаткорларга
 бўлган эътибор бугунги
 кунчалик эмас эди. Бу ҳам
 ёш санъаткорларга бўлган
 эътибор. Шунинг учун ҳам

ри, ҳақиқий бир меҳрга
 чорловчи, устозга, маҳал-
 лага, эл-юргита
 ган, ҳақиқий бир тарбия
 вазифасини ўтайди. Бун-
 дай фильмлар бизда жуда
 кўплаб ишланган. Маса-
 лан, "Маҳаллаға дув-дув
 ган" фильмини оладиган
 бўлсан, унда катта тар-
 бия мактаби мужассам.
 Лекин ҳозир намойиш
 этилаётган айрим филь-
 мартага ҳайронман, ур-
 иқит, ҳар хил тарбияни
 бузувчи фильмлар қўйил-
 моқда. Болаларимиз
 ҳатто уйқусига ҳам шу
 фильмларни кўрмоқда,
 ҳайронман, булар бизга
 қанақа наф келтиради
 экан.

Кино ва театр тар-
 бияси ёшларга ўл-ўриқ
 кўрсатиши, бирон-бир
 янгиликни ўзида му-
 жассамлашиши керак,
 мен шуни истардим.

— Шу бугунги кунгача
 ўзингиз орзу қилган об-
 разни яратма олдингиз-
 ми?

— Яратган ролларимга
 ўзим баҳо бера олмайман.
 Муқимий театрида
 яратган образларимнинг
 ҳаммаси мен орзу қилган
 роллардир. Саҳнага иф-
 ласам-кулсан менга қўши-
 либ томошабин иғласа,
 кулсан, демак мен орзу
 қилган роль яратилган
 деб ўйлайман. Ўзим ярат-
 ган образларни ҳеч қачон
 ёмон дега олмасам керак.
 Чунки менга номақбул
 бўлса кимга дурди ёқсан
 бўлиши мумкин-да. Яна
 санъатда катта-кичик
 роль бўлмайди.

Саҳнага бир кунлаб мон-
 олог ўқиса бўлади. Лекин,
 у муҳлислирга ёқмас-
 лиги мумкин. Ёки кички-
 на эпизод яратсангиз, бу
 ўзингизга номақбулди,
 лекин у томошабиннинг
 олқишига сазовор бўлиши
 мумкин. Мана қаранг,
 Навоийнинг шеърларини
 мактаббаги бола ҳам
 ўқиди. Ёши улуғ киши
 ҳам. Кўрдингизи ҳамма
 нарса чин силдан бажа-
 рилишида экан.

— Ҳаётда нималар
 топгансизу нималар
 ўқотгансиз?

— Ҳаётга келиб яша-
 шимизнинг ўзи бир нар-
 са топганимиз. Мен
 ҳаётдан топганим 4 на-
 фар фарзандим ва ёним-
 гару умр ўйлошим, кўп
 минглаб ўқувчиларнинг
 устози Назирахондири.
 Ҳаётга нима ўқотганди
 бўлсан, ҳаммаси Оллоҳ-
 нинг инояти билан
 бўлган.

— Муҳлислиргизга
 тилакларингиз?

— Тилагим, устозларим
 ва муҳлислирим бу дунё-
 да бекаму кўст яшасин,
 дилидаги яхши ниятла-
 рига етиб юрсин.

Шерзод АХМАТОВ
 сұхбатлашиди.

ЎҚИТУВЧИНИНГ ҚАЛБИ КЕНГ

лам арава ҳайдаисан деса,
 у арава ҳайдаиди, болам,
 ўғри бўласан деса, ўғри
 бўлади. Лекин ота-она бун-
 дай ният қилмайди. Фақат
 болам катта бўлсан дей-
 ди. Бола жамиятга қўшил-
 ганда ҳар бирининг нияти
 бўлади. Кейин ҳавас пайдо
 бўлади. Бошқаларга тақлид
 қила бошлидай. Ҳудди шу
 ҳавас, ният-муородга етак-
 лайди. Яхши нарсани кўриб
 ният ўйонсин, муородга
 етсан, дейди ўқитувчи.
 Менга ҳам раҳматли
 ўқитувчим Турсуной опа
 айтарди, "Абдухолик Ўзбе-
 кистон ҳалқ артисти Ҳамза
 Умаров қўшиниларинг,
 тўғрими, сенинг ҳам кўп
 қилиқларинг, ҳаракатла-
 ring шу санъаткорга
 ўхшаб кетади. Сен ҳам
 катта бўлсанг шуларга
 ўхшаб санъаткор бўлиб ке-
 тасан". Бу сўзлар ҳали-
 ҳамон қулогим остида жа-
 ранглаб туради. Бу сўзни
 ўқитувчим менга раво
 кўрган. Ёшлика ҳандай
 сўзни эшилса киши шунга
 мослашиб кетади. Булар
 менга руҳий илҳом баҳш
 этган. Бу сирли сўзлар ор-
 қали санъатга кириб кел-
 ганман. Ваҳоланки, мен
 ўша вакъларда қўй боқиб
 юрардим. У киши менга
 қўйчивон бўласан демаги-
 ки, мен санъаткор бўлдим.
 Oggid дехқон ҳам боласи-

ман, "Нурхон"да Ҳайдар-
 ни ўйнаганман. Ҳамза Умаров,
 Соиб Ҳўжаев каби устозларим
 таъсирида мен ҳам комик асарларда
 ўйнаб, томошабинга комик
 актёр сифатига танилиб
 қолдим.

— Абдухолик ака, ай-
 тингчи, ўзингиз ижро
 этган ролларни ёзувчи
 тасвирлагандек кўрсата
 оласизми? Умуман олган-
 да сиз яратган образлар-
 дан асар муаллифлари
 розими?

— Муаллиф ўзи меҳнат
 қилган асарининг қаҳрамо-
 ни ички кечинмаларига ни-
 маларни мужассамлашири-
 ганини билади. У орқали
 нималарни айтмоқчи
 эканлигини англаб етган
 бўлади. Актёр танлашга
 келганда эса, унинг тасви-
 ridgeg киши керак. Масалан,
 бешик ясайдиган
 уста айтади: "менга ён-
 ғоқнинг ёки тутнинг
 ёғочи керак, шундагина сиз
 айтган бешик ясалади",
 дейди. Ҳудди шундай му-
 алиф ҳам режиссёрга айтади:
 менинг ҳаёлимдаги
 одам шунақа бўлсан. Ун-
 дан кейин режиссёр ак-
 тёрни излаб топади. Мен
 шунча вакът театрга иш-
 лаган бўлсан, менга ишо-
 ниб топширилган роллар-
 ни муаллиф тасавvuri-
 ga-дек очиб беришга ҳара-

санъатга ёшларимиз илдам
 қадам қўймоқда. Лекин,
 шоли курмаксиз бўлмагани-
 деқ, уларнинг орасига ҳам
 санъатга билиб-билим
 қадам қўйганилари ҳам бор.
 2-3 кун ишни кўриб, э-
 бўлмаги, деганлари ҳам
 бўлаяпти. Шу касбга
 қадам қўйдингми, энди
 охиргача меҳнат қилиб
 шуҳрат қозониш керак.
 Ваҳоланки, ёшларимиз ора-
 сига ўз қасбнинг усталари-
 ри ҳам йўқ эмас.

— Сизнинг саҳнагаги
 ҳаётингиз томошабин-
 ларга таниш, асл ҳаёт-
 да Абдухолик Мамарасу-
 лов ҳандай инсон ва
 оиласа ҳандай ота?

— Аслида кишига бошқа
 бир одам таъриф беради.
 Лекин айтшилмадиги,
 мен ҳаётда жиддий,
 қаттиқўй отаман.

Жўжанни кузда санайди,
 дейдилар. Болаларимга бер-
 ган тарбиям самарасини
 келажак кўрсатади.

— Кино ва театрнинг
 тарбиядаги ўрни ҳақида
 нималар дега оласиз?

— Буларнинг тарбиявий
 ўрни мактабдан кейин ту-
 рагди. Нега деганда,
 ўқитувчи нима ўргатса
 шу бўлади. Кинода бош
 қаҳрамон нима қиласа, бола
 ҳам ўшанга тақлид қиласа.
 Бизнинг ўзбек кинола-

O'zbekiston Respublikasi mustaqilligining 10 yilligi oldidan

ВАҚТ, ТАЛАБА, ТАЪЛИМ

Навоий педагогика билим юрти шу йўналишдаги билим юртларининг ичидаги энг кенжасидир. Бу билим масканида бошлангич таълим, расм ва чизмачилик, жисмоний тарбия ва спорт, мактабгача таълим бўлимлари мавжуд.

Билим юрти, асосан, Навоий ВХТБ тизимида қарашли мактабларга кадрлар етишириб беради.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯНИНГ АФЗАЛЛИГИ

Ўкув жараёнининг сифатли ўюнтирилиши, даставвал, ўкув режалари, ўкув-услубий адабиётлар, дарслеклар билан таъминланганлик ҳамда мураббий-ўқитувчиларнинг билим, малака даражалари билан бевосита боғлиқдир. Шунингдек, ўқитиш сифатининг юқори даражада бўлиши, ўкув жараёнини доимий назорат қилиш ишлари компьютер билан таъминланганликка ҳам узвий боғлиқ бўлиб, бу ўринда талабаларнинг компютер саводхонлигини ошириш мақсади кўзда тутилади. Аввалинбор, муассасада ишни ташкил қилишнинг дастлабки босқичида ўқитувчи ва талабаларнинг автобиографик статистик маълумотларини йиғишидан бошладик. Бундан кўзда тутилган мақсад, ахборот технологиясини билим юртида кенг жорий қилишдан иборат ёди. Айни пайтда талабаларнинг барча фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичлари доимий таҳлил қилиниб борилмоқда. Шунингдек, жаҳон андоузарига мос илгор педагогик технологияни жорий этиб, талабалар билимни рейтинг усулида баҳолашнинг оптималь вариантиларини танлаб олиш мақсадга мувофиқ бўлмоқда. Бу йўналишдаги изланишлар янги ўкув йилида тўлиқ ўкув жараёнига татбиқ этилади. Шу ўринда билим юртида ўкувтарбия ишларини амалга оширишда ҳалкаро "Internet" тизимида уланиш асосини вазифамиз хисобланади.

**О.АВЛАЕВ,
ўкув ишлари бўйича
директор муовини**

Мамлакатимизнинг келажакдаги тақдири истиқлол гояси билан қуролланган, жамиятимиз тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган метин иродали, зеҳнли ва заковатли, ўқимишли ёшларимиз қўлидайдир.

Ватанимиз тарихидаги буюк ходиса — мустақилларининг 10 йиллик тўйини Навоий педагогика билим юртининг педагогик жамоаси ва таҳсил олаётган ўқувчи-талабалар янги руҳ, янги мақсад ва ишонч билан кутиб олишга сабитқадамлик билан интилмоқдалар.

Билим даргоҳимизнинг жамоаси томонидан "Таълим тўғрисида" ги қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари асосида маънавий-маърифий, ўқув-услубий ва илмий-назарий ишлар олиб бораётганлигини таъкидлаш жоиздир. Жумладан, муассасамиз вилоят ҳалқ таълими бошқармаси тасаруфидаги мактабларга, қисман Бухоро вилоятининг Фиждувон, Самарқанд, вилоятининг Нурабод, Пахтаки, Нарпай туманларига ўзбек ва қозоқ мактаблари учун бошлангич синф ҳамда жисмоний тарбия ва расм-чизмачилик фани ўқитувчилари, шунингдек, мактабгача таълим муассасаларига эса тарбиячи кадрларни 1982 йилдан бўён тайёрлаб берилмоқда. Билим юртида 2000-2001 ўкув йилида 1530 нафар талабага 72 нафар ўқитувчи устозлар таълим тараққиётининг янги босқичида ўзининг тўлиқ ифодасини топмоқда. Билим юрти-

мизнинг кундузги бўлимида 491 нафар, сиртқи бўлимида эса 106 нафар, жами 591 нафар талаба муваффақиятли тутатмоқда. Булар орасида Хуршида Каримова, Феруза Алиқулова, Шуҳрат Худойбердиев каби кўплаб илгор фикрли ёшлар бор. Педагогик жамоанинг ётибори талабаларга маҳсус фанлар бўйича пухта билим бериш билан бир қаторда, уларнинг қалбига миллий гоя асосидаги мафкуравий иммунитетнинг маъно ва моҳијатини сингдириш мақсадига қаратилгандир.

Бундан ташқари, бозор иқти-

да ахборот алмашинуви масаласини ҳал этиш мақсадида, ҳозирги кунда компьютер техникаси билан таъминланишга катта ётиборни қаратмоқдамиз. Пировард мақсадимиз таълим тараққиётидаги бошқарувнинг қоғозсиз тизимини яратган ҳолда ахборотларни қабул килиш ва узатишнинг автоматлашган технологиясини яратишдир. Масалан, Навоий вилоятининг Томди, Учкудук, Нурота туманлари ва Зарафшон шаҳри мактаблари учун ҳамда қозоқ, қорақалпоқ, туркман ва тоҷик мактаблари учун кадрлар тайёр-



барин, ахборот технологиясининг таълим жараёнига кириб бориши, бу соҳада моделлаштиришга асосланган ҳолда системали ёндашув тамоилининг кўлланилиши бевосита "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талабларини қисқа муддатларда амалга оширишга самаралихизмат қиласи.

Сўзим сўнгидаги билим юртимизда таълим такомилига ўзларининг муносаби ҳиссасини кўшаётган устоз ўқитувчилардан Нурия Исоқулова, Нуриби Кўлдошева, Азим Шодиев, Иноят Холиков, Расул Рахмонов, Абдунажим Ҳамроев, Олим Облоқуловларнинг амалий тажрибаларини алоҳида таъкидлаб ўтиши истардим.

**О.СУВОНОВ,
билим юрти директори,
техника фанлари номзоди,
доцент**

ЭҲТИЁЖНИ ҲИСОБГА ОЛИБ


содиётига ўтиш даврида ҳалқ таълими бўйича ислоҳотлар жарайенини тўлиқ амалга ошириш учун илмий-назарий изланишлар олиб боришимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Юртбошимиз И.Каримов "Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади, жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади" деб таъкидлагани таълим тараққиётининг янги босқичида ўзининг тўлиқ ифодасини топмоқда. Билим юрти-

лаб бериш талаби кундан-кунга ошиб бормоқда.

Бу зарурятнинг келажакда янада ортиши мумкинлиги, шубҳасиздир. Зоро, шундай экан, бу маълумотларни доимий эсда сақлаш ва уларни қайта ишлашда узлуксиз ҳолда статистик маълумотларга мурожаат килиб туриш лозим бўлади.

Маълумки, таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар кўп қиррал бўлиб, бундаги иш юритиш муаммоси эндилиқда бевосита ахборот технологиясини назариясидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Бино-



ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ОРТМОҚДА

Бугунги ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётимизда фаол иштирок этажётган ёшларнинг ҳуқуқ ва эркини, мақсад ва интилишларини ҳимоя қилувчи ташкилотлардан бирин-касаба ўюшмалари ҳисобланади.

Билим юрти касаба ўюшма кўмитаси томонидан Оналар ва болалар йили муносабати билан қатор тадбир ва режалар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Режага мувофиқ 2000-2001 йилда иккى марта ўқитувчи ва талабалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Бундан ташқари ўқитувчи, талабалар ўртасида давра сұхбатлари, кечалар, спорт мусобақалари ўтказилиб, голиблар касаба ўюшма қўмитасининг Фахрий ёрликлари, эсдалик совғалари билан тақдирланиб келинмоқда.

Шунингдек, кам таъминланган оиласидаги талабаларнинг 44 нафарига жами 75 минг сўм миқдорида сармоядан ташқари тушган маблағлар ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди. Маъмурият билан келишилган ҳолда ўқитувчи ходимларнинг 30 нафарига ҳам 190 минг сўм моддий ёрдам берилди. Шунингдек, ўқитувчи ва талабаларга саломатлик марказлари ва оромгоҳларда дам олиш учун ўйлланмалар берилганилиги гамхўрлик тимсолидир.

**М.ЙУЛДОШЕВА,
билим юрти касаба ўюшма
кўмитаси раиси**

ИНСОН ЎЗ ҚАДРИИ МАЪНАВИЯТДАН ТОПАДИ

иностридан ўқиётган ўғил-қўйиларимизнинг маънавий-ахлоқий камолотини ва билим салоҳиятини шакллантиришга барча ётиборни қаратганимиз. Юкорида таъкидларимиздек, 2000-2001 ўкув йили давомида "Хеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон", "Ватан — кўзим корачиғисан", "Буюк сиймоларга эҳтиром", "Аёл борки, олам мунаввар", "Сиз тарихни биласизми?", "Во-

излар" кўрик-танлови, шунингдек, "Диний экстремизм ва терроризм — ёвуз куч", "Гиёҳвандлик умр заволи" мавзууларида ўтказилган давра сұхбатларида ёшларимизнинг ўзлигини англаб, ўз тақдирини жамият билан боғлаш зарурлигига ётибор қаратилди.

Бир сўз билан айтганда, олиб борилган маънавий-маърифий ислоҳотларимиз ўз самарасини бериб, тала-

балар орасида кўплаб иқтидорли-истеъодли ёшлар етишиб чиқдилар. Булар орасида "Фарзандлар камоли — оналар иқболи" республика иншолар кўрик-танлови иншолари Олия Жонузоқова, Мунисса Юсупова, Жиззах шаҳрида ўтказилган "Баркамол авлод" республика спорт мусобақаси иштирокчisi Акбар Рассоқовларни кўрсатиши мумкин.

Талабаларнинг маънавий-

маърифий, иқтисодий билимларини ошириш учун билим юрти кутубхонасида 9716 нусхада китоб мавжуд бўлиб, кутубхона аъзоларининг сони 1300 нафарни ташкил этади.

Бундан ташқари талабалар 6 тадан зиёд тўғаракларда қатнашиб келаётгани ҳам дикқатга сазовор. Талабалар уйида дам олиш, маънавият хонаси, гигиена, ракс, гўззалик хоналари, ошхона мавжуддир.

**Н.ҲАСАНОВА,
маънавий-маърифий
ишилар бўйича
директор ўринбосари**

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТЕСТ ЯКУНЛАРИ

Қоралпогистон Республикасында уча олий ўкув юрти, 15 та ўрта маҳсус билим юрти мавжуд. Республикада қоралпок, ўзбек, рус тилларда мутахассислар тайерланади. 2000 йилда олий ўкув юртларининг кундузги бўлимларига 1304 талаба кабул килинган. Ўрта маҳсус ўкув юртларига режадаги 3340 ўринга 8110 тариза тушган. Абитуриентларнинг жавоблар самарадорлиги 2000 йилда ўзбек гурухлари бўйича 32.19 фоиз бўлиб, 10-йинни эгалаган ёнталарнинг умумига нисбатан бўган. Чунки абитуриентларнинг гентига нисбатан жавоблар самарадорлиги 37.42 фоизни ташкил этган. Қоралпок тили гурухларига имтиҳон топширган абитуриентларнинг жавоблар самарадорлиги 1999 йилга таққослаб ўрганилганда 6 фандан ўсиш (биология, кимё, география, инглиз тили ва француз тили), 4 фандан паса-йиш (қоралпок тили, математика, тарих, немис тили) кузатилган. Қоралпок тили ва тарихдан самарадорликнинг пасайиш процента катта бўлган. Тест имтиҳони натижалари жадвалда келтирилган (**қоралпок гурухлари**):

Самарадорлик		
Фан номи	1999 й.	2000 й.
Қоралпок тили	36.96	30.60
Математика	34.79	36.27
Физика	28.11	29.54
Биология	42.49	43.45
Кимё	31.56	32.45
Тарих	43.39	37.09
География	42.54	43.75
Инглиз тили	28.35	28.82
Немис тили	25.98	25.57
Француз тили	25.13	26.13
		Ўсган

(ўзбек гурухлари)				
1999		2000		
Фан номи	Самар.	Ўрин	Самар.	Ўрин
Ўзбек тили ва адабиёти	28.73	14	26.73	13
Математика	35.31	6	35.87	6
Физика	28.37	10	28.51	8
Биология	35.18	13	33.88	12
Кимё	33.6	12	32.31	9
Тарих	34.82	14	31.23	12
География	47.04	3	46.15	3
Инглиз тили	36.55	9	35.17	7
Немис тили	25.31	13	25.22	12
Француз тили	26.01	13	26.82	13
				Ўзгармаган

Қоралпогистон Республикаси шаҳар ва туманлари абитуриентларнинг тест имтиҳонидаги натижалари ўрганилиб чиқилди. Натижага шуни кўрсатдик, туманлар бўйича қоралпок, ва ўзбек гурухларида ўкувчиларнинг самарадорлиги бир хил эмас. Қоралпок тилида тест имтиҳони топширган Мўйнок, Тахтакўпир, Уқудук, Нукус туманлари, Мўйнок ва Оқманғит шаҳарлари абитуриентларни юқори еришган бўлса, ўзбек гурухларининг абитуриентлари анча паст натижага кўрсатгандар.

Абитуриентларнинг тест имтиҳонидаги натижаларига кўра Қоралпогистон Республикаси туманларининг рейтинг кўрсатчиchlari куйидаги келтирилган:

(қоралпок гурухлари):		(ўзбек гурухлари)	
Туман, шаҳар номи	Самар.	Туман, шаҳар номи	Самар.
Мўйнок тумани	34.92	Қонлиқўл тумани	38.73
Тахтакўпир тумани	34.91	Чимбайли тумани	36.34
Чимбай тумани	33.33	Бузатов тумани	33.61
Мўйнок шаҳри	32.86	Нукус тумани	33.47
Қоразак тумани	32.66	Тўрткўл шаҳри	32.21
Оқманғит шаҳри	32.41	Нукус шаҳри	32.18
Нукус тумани	32.38	Шуманай тумани	32.03
Нукус шаҳри	32.18	Тўрткўл тумани	31.73
Амударё тумани	32.11	Беруний тумани	31.50
Шуманай тумани	32.05	Эллиққала тумани	31.36
Эллиққала тумани	31.90	Бўстон шаҳри	31.15
Кегейли тумани	31.85	Кегейли тумани	31.12
Бузатов тумани	31.74	Беруний шаҳри	31.04
Чимбай шаҳри	31.49	Мўйнок тумани	30.63
Конлиқўл тумани	31.43	Кўнгирот шаҳри	30.31
Кўнгирот тумани	31.21	Хўжайли шаҳри	30.16
Хўжайли тумани	30.50	Кораузак тумани	30.11
Шуманай шаҳри	30.46	Тахтакўпир тумани	30.09
Беруний тумани	30.04	Чимбай тумани	29.76
Кўнгирот шаҳри	30.01	Хўжайли тумани	29.23
Ҳалқобод шаҳри	29.88	Амударё тумани	28.48
Ҳўжайли шаҳри	29.05	Кўнгирот тумани	28.39
Тўрткўл тумани	28.77	Тахиатош шаҳри	27.04
Кегейли шаҳри	28.35	Манғит шаҳри	24.72
Тахиатош шаҳри	27.99		
Ленинобод шаҳри	26.33		
Кораузак шаҳри	25.93		
Тахтакўпир шаҳри	24.85		
Кўнгирот тумани	22.62		
Ҳўжайли тумани	21.76		
Тахтакўпир тумани	21.67		
Нукус шаҳри	20.42		
Ҳўжайли тумани	26.59		

Қоралпогистон Республикасининг тест имтиҳонидаги фанлар бўйича энг юқори кўрсаткичга еришган шаҳар ва туманлари Республикада илғор туман ва шаҳарларга таққослаб ўрганилиди. Қоралпогистоннинг бирорта туман ёки шаҳари Республика бўйича илғорликка ериша олмаган. Тўрткўл туман абитуриентлари она тили ва адабиётидан Республикада илғор хисобланган Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз шаҳри кўрсаткичига яқинлашган. Лекин Қоралпогистоннинг бошқа фанлар бўйича кўрсаткичга Республикада илғор туман ва шаҳарлардан 5 фоиздан 20 фоизгача паст бўлган. Куйидаги жадвалда натижага яқол кўрсатилган (**Ўзбек гурухлари**):

Қоралпогистон Республикаси		Республика туман ва шаҳарлари	
кўрсатчиchlari		кўрсатчиchlari	
Она тили ва адабиётি		Нукус тумани	4
Математика	Тўрткўл шаҳри	Амударё тумани	46
Физика	Кегейли тумани	Беруний тумани	6
		Ҳўжайли тумани	3
		Амударё тумани	16
		Хўжайли тумани	10
		Манғит шаҳри	4
		Тахтакўпир тумани	14
		Манғит шаҳри	4
		Хўжайли тумани	8
		Хўжайли тумани	5
		Амударё тумани	48
		Ҳўжайли тумани	7
		Тахтакўпир тумани	14
		Тахтакўпир тумани	4
		Тахтакўпир тумани	9
		Тахтакўпир тумани	4
		Тахтакўпир тумани	10
		Тахтакўпир тумани	4.3
		Тахтакўпир тумани	94.4

Биология	Эллиққала тумани	133	43.57	Самарқанд вилояти	Каттакўрғон шаҳри	19	48.54
Химия	Эллиққала тумани	127	42.39	Самарқанд вилояти	Каттакўрғон шаҳри	21	48.15
Тарих	Тўрткўл шаҳри	18	38.73	Сурхондарё вилояти	Денов шаҳри	20	43.19
География	Амударё тумани	32	37.50	Будро вилояти	Жондор тумани	31	55.20
Инглиз тили	Нукус шаҳри	193	44.00	Бухоро вилояти	Когон шаҳри	40	53.75
Немис тили	Эллиққала тумани	19	30.56	Будро вилояти	Фориш тумани	37	43.32
Француз тили	Тўрткўл тумани	33	28.37	Будро вилояти	Ромитан тумани	34	48.69

Қоралпогистоннинг тестдан энг паст кўрсакчига эга бўлган шаҳар ва туманлари Республика кўрсакчидан юқори бўлган. Натижага куйидаги жадвалда келтирилган (ўзбек гурухлари):

Қоралпогистон Республикаси				Республика туман ва шаҳарлари			
кўрсакчилари				кўрсакчилари			
Фан номи	Туман номи	Катн. Самар.	Вилоятноми	Туман	Жаҳон	Туман	Тошкент

<tbl_r cells="2" ix="2" maxcspan="4" maxrspan="1" used

Китоб — дунёда бебақ мулк, бойлик. Илму фан ва ижод шиддат билан тарақ-күй топгани сайн ҳамда телевидение, аудио ва компютер тизимлари тезкор-лар билан ривожланған сайн — китобнинг аҳамияти, турмушдаги ўрни ортиб бормоқда. Бугун дунёдаги ривожланған мамлакатлар маданий ҳәти билан танишгудай бўлсангиз, улар, энг аввало билимга, китобга ҳурмат-эҳтиром ила муносабатда бўлмоқдалар. Ҳа, китобни аждодларимиз "имл ҳазинаси" деб атаб келгани бежиз эмас. Ҳазрати китоб — энг улуғ иззат-хурматта муносиб ашё, инсоният кашф этган мўъжиза — мулқидир!

Китоблар инсон маънавиятининг мажмуми. Китоб — инсон ҳәтидаги энг мұкаммал билим. Китоблар бизга ўз-ўзимизни кўрсатувчи кўзгу. Фақат ўша кўзгуга термубиб турган кишининг кўзлари очик, руҳи уйғоқ бўлса бас.

Бозор иқтисодиёти — китобни четга сурисиб кўйди, дегани эмас. Фақат яхши китоблар, ношири тили билан айтганда, ўқишили асарлар китоб дўконларида бўлиши шарт. Ҳалқимиз китобсевар, ўқимишли, яхши китобни кўлидан кўймайди. Шунинг учун ҳар бир дўконда (ҳозирги тилда супермаркет) китоблар бўлимини очиш керак. Ёки ҳар бир туманда энг камидаги 2-3 та китоб савдоси марказларини ташкил қилиш лозим.

Китоб савдоси билан нашриётларнинг ўзлари ҳам шуғулланғанлари тузук деган фикрга амин бўлдим. Жаҳон тажрибасида шундай: ноширилар китоб чиқариб, ўзлари сотишади. Фойда — зарари ҳам ўзларига. Бундай пайтда, «ёймачилар», деб атайдиганлар орасидаги китоб сутувчиларга алоҳида эҳтибор бериш керак. Буни тўғри, самарали йўлга кўйиши, кенгайтириш даркор. Ҳар қалай поитахтнинг баъзи метро чиқишиларида бундай ёймачиларни — китобфурӯшларни кўрамизку.

Асримиз бошида Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида 35та китоб дўкони ва ёймачилар бўлиб, ҳар иили улардан катта даромад олинган.

Яна бир "ўзига хос" вазиятни эслайлик. Бундан 10-15 йиллар олдин, қимматбаҳо пианино ва салобатли китоб жаҳонларини деярли ҳар бир ўй эгаси хонадон залига ўрнатишини урф қилган эди. Бу пианино бирор чаладими-йўқми, китобни бирор чўйидими-йўқимайдими, барабир, шу нарсалар уйда бўлиши одатга айланган эди. Ўн-йигирма жил асар-

ларга обуна бўлиш, муқоваси ялтироқ китобларни қаердан бўлса ҳам топтириб, жавонга жойлаб қўйиш, меҳмонларга уларни кўз-кўз қилиш истаги яхшигина ўй кутубхоналарининг пайдо бўлишига олиб келди. Энди ана шу "ўлик" китоблартирилса, хонадон эгаларига пул ҳам, обрў-эҳтибор ҳам келтириши мумкин! Айниқса бозор иқтисодиёти пайтида?

Раҳбарлар кабинетидаги китоб жавонлари ҳақида ҳам шундай деса бўлади, уларда ҳам яхши китоблар кўп. Уларнинг чангларини артиб туришдан фаррошларни холос қилиш, жилла бўлмаса, идора ходимлари тарқатиш фойдадан бошқа

фаолроқ шуғуллансалар яхши бўларди. Назаримда, "Кўзгу", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Езувчи", "Хуррият", "Соғлом авлод" ва бошқа нашрлар китоблар таҳлили, савиясига жуда жиддий эҳтибор беришлари керак.

Ҳозирги пайтда нашриётимиз ҳар бир китоб ёки плакат чиқариши етти эмас, балки 14 марта ўлчаб, ўйлаб, кейин босмахонага топширади. Бу борада Республика Давлат матбуот кўмитаси ёрдами, кўрсатаси бизга кўл келмоқда. Китобларимиз мазмун-мундарижаси хилмажил. Айниқса, таълим соҳаси учун бадиий адабиётлар кўпроқ нашр этилаяпти. Ҳозиргача қирқа яқин Алишер Навоий,

иили» ва бошқалар нашр қилиниши арафасида.

Шу нарсаны алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитаси раҳбарияти ташаббуси билан нашриётимизга ўкув дарсликларини чоп қилиш имконияти берилди. 2001-2002 ўкув йилида 18 та номда дарслик чоп қилилгиз. Бу эса нашриётимизнинг моддий жиҳатдан тобора яхшиланиб боришини таъминлайди. Ўкув кўлланмалари чоп қилилгиз. Жумладан, "Ҳадис илми сабоқлари", "Драма назарияси", "Мустақиллик йўлидан. Одамлар, воқеалар, саналар" (ўзбек ва рус тиллари), "Ўзбекча-инглизча изоҳли луғат", 5-синф учун "Жаҳон тарихидан ҳикоялар", 9-синф учун "Ўзбекистон тарихи", 10-синф учун "Ўзбек адабиёти", 2, 3, 5, 6, 7-синфлар учун "Мусиқа" дарсликлири ва бошқаларни айтиш мумкин.


Истиқолимизнинг ўн йиллигига бағишиланган бир қатор китобларни нашр қилиш айни муддаодир. Жумладан, "Истиқолим — истиқболим", "Истиқолиломлари", "Истиқолиломларни", "Янгиланишдан буюк ўзгариши сари", "Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар ташкилоти" ҳамда "Мустақиллик тароналари" каби китобларни чоп қилиш борасидаги саъй-ҳаракатимизга асосан Матбуот кўмитаси яқиндан ёрдам бермоқда.

Умуман, китоб инсоннинг камолотга эришувида, оқ-коралар ажратиб олишида биринчи ва энг асосий омилдир. Улуғ аждодларимиз бой меросини, улар қилинган савобли ва фойдали амалларнинг барчасини китоб орқали билиб оламиз. Форобий, Беруний, Ал-Фарғоний, А.Жомий, А.Навоий каби алломаларимиз ҳам китоб инсонга қанчалик дўст ва энг яхши ҳамроҳ эканлигини ўз асарларида қайд этишган.

Мақолани мухтасар қиласар эканман, атоқли ва ардоқли шоир, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов "Танланган асарлар"ининг 4 жилди нашрдан чиқсанлиги катта воқеа бўлди, демоқчиман. Маънавиятимизнинг бойишига, бугунги ривожланаётган Ватанимизнинг миллий ғоясини Абдулла Ориповнинг улкан шеърияти, юксак бадиий публицистикаси дурданалари билан янада тўлдиришда унинг асарлари ақсотишини яна бир бор таъкидлаб ўтиш жоиздир.

**Карим НОРМАТОВ,
Fafur Fulom nomidagi Adabiyet va san'at нашриёти директори**

"МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ ЙУЛЛАРИДА"



Эҳтиёж — инсонни ҳаракатлантирувчи куч. Одам нафас олмаса ёки сув ичмаса туролмаганидек, айрим кишилар борки, китоб ўқимаса туролмайди. Пайғамбаримизнинг "бешикдан то қабргача илм изла", деган ҳадисларига мувофиқ, бу инсоннинг энг гўзал фазилатларидан биридир. Шундай юртдошларимиздан бири таникли адабиётшунос, таржимон, публицист Озод Шарағиддинов бўлади. Домла, мана, етмишдан ошибди ҳамки, мутолаани, ёзишни тўхтатган эмас.

Яқинда олимнинг «Маънавият» нашриётида тайёрланган «Маънавий камолот йўлларида», деб номланган китоби босмадан чиқди. Кадим-кадимдан бери маънавий камолот йўли ўқиш, ўрганиш билан эш келган. Мазкур китобда муалиф улуғ адабимиз Абдулла Қаҳҳор кутубхонасига, шу орқали у кишининг маънавий оламига саёҳат килади. Ўзининг ёшлиқдаги мутолаа билан боғлиқ ҳангомаларини хотирлайди. Ҳалқимизнинг асл фарзандлари Fafur Fulom, Чўлпон, Ҳамза каби адиларнинг маънавий дунёсини тадқиқ этади.

Ҳаётда киши кишига ўхшагиси келади. Озод ака бугунги ўзбек зиёлилари орасида ана шундай ҳавас қилса арзигулик шахс. Ўзлаймизки, О.Шарағиддинов «Маънавий камолот йўлларида» китоби билан яна минглаб кўнгилларни ром этади.

Хусан КАРВОНЛИ

МАКТУБ — САНЬАТ АСАРИ



Тараққиёт инсонни кўпгина ибтидоий юмушлардан озод қилди. Бугун узокдаги қариндошингиз, дўстингиз ё кадрдорнингиздан хол-аҳвол сўраш, бирон масалада муружаат қилиш учун узундан-узоқ мактуб ёзиб ўтираймис. Телефон, телеграф, факс, электрон почта, интернет мушкулингизни осон қилади. Шундай бўлса-да, қўлда ёзиладиган хат — мактубнинг ўрни барип бериш кўчкача.

Аждодларимиз, буюк мутафаккирлар мактубни санъат дурданаси даражасига кўтаришган. Уларнинг ёзишмалари шунчаки хабарлар баёни эмас, нағис сўз санъати дурданасига айланган. Алишер Навоийнинг "Муншаот" китоби фикримиз далилидир. Китобда 107 та мактуб жамланган бўлиб, ҳар бири ўзига хос, иншо санъатининг ажайиб намуналаридан дарид.

Навоийгача бундай мактублар фақатгина араб ва форс тилларида битилган. Туркий тилнинг улардан ҳар жиҳатдан қолишмаслигини исботлашга жиддий киришган ҳазрат, сўз санъатининг барча турларида ижод қилишга интилган. "Муншаот" — мактубот жанрининг энг муқаммал намуналаридан бири.

Ушбу китоб "Маънавият" нашриётида ҳозирги адабий тилимизга яқин изоҳли баёни тарзида нашр тайёрланиб, чоп этилди. Бу савобли юмушни филология фанлари номзоди Юсуф Турсунов амалга оширган. "Муншаот" — адабиёт мұхлислари, мактуб қандай ёзилишини билмоқчи бўлғанлар учун ажайиб тұхфадир.

Зухриддин МАРДОНОВ

ҚУҲНА ТАРИХИНГ ЯНГИ КУРИНИШИ



Мустақилликнинг ўн йиллик түти арафасидамиз. Бу даврда мамлакатимиз ҳаётида ҳам, одамлар турмушда ҳам кескин бурилиш ясалди. Ва ўтётган бу муддат барча ижтимоий-гуманитар фанлар катори тарих фани олдига ҳам янги вазифалар кўйди. Кейинги йилларда бу борада бир қатор ишлар амалга оширилди. Яқинда нашр этилган академик Ахмадали Асқаровнинг "Энг қадимий шаҳар" рисоласи ҳам ("Маънавият" нашриёти, 2001 йил) ушбу йулдаги навбатдаги қадам бўлди. Рисолада Ўзбекистон худудида археологик манбалар асосида биринчи бор ўрганилган энг қадимий шаҳар — Жарқутон ҳақида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Шунингдек, ушбу рисола яна бошқа кўплаб янги маълумотлар көлтирилганлиги билан ўқиган кишига янги билди. Қисқаси, мазкур рисола Ўзбекистон тарихининг янги саҳифаларини очиб бера олган.

Шерали МАҲМАРАЙИМ ўғли

Ўзбекистон тупроғи жаҳон илм-фани маданиятининг таражиётига улкан ҳисса қўшган буюк олимлар туғилиб ўсган, ижод қилган кутлуг макондир. Ана шу алломалардан бирислом оламида машхур фикр олими АбулҲасан ал-Марғонийдир (1123-1197).

Бурҳониддин Марғоний ижодига мансуб нодир намуна — ўша даврда кенг кўлланилган, ҳозирги даврда ҳам тадқиқотчилар томонидан изчили ўрганиб, шарҳланиб келинаётган “Ал-Хидоя фи-л Фуруъ” ёки оддий “Ал-Хидоя” — “Кўлланма” номли мусулмон хукуқшунослигига доир қомусий асардир.

Мазкур асар ҳижрий 574 (1178) йилнинг апрель ойида Самарқандда қорахонийлардан Иброҳим ибн Ҳусайнинг хонлик даврида ёзиб туталланган. Асар тузилишига кўра икки жуз, тўрт жилд, 57 китобдан иборат. Ҳеч муబорасиз таъкидлаш лозими, мусулмон хукуқини ўрганишга ҳаракат қилган, хукуқ тарихи ва назарияси бўйича иш юритаётган мутахассис, олим ва тарихчилар ушбу манбага таяниб Ҳанафия хукуқ мактабининг асосий таълимотларини ўргандилар. XIX асрда мустамлакачи давлатлар бўлган Англия ва Рос-

Шуни алоҳида таъкидлашимиз лозимки, Бурҳониддин Марғонийнинг илмий меросини асл манбалар асосида ўрганиш имкониятига мустақилликка эришганимиздан кейингина тўла эга бўлдик. Ҳусусан, анча йиллардан бери хукуқ тарихи бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган доцент У.Ахмаджонов ўзининг “Мусулмон хукуқида мулк институти” мавзусидаги илмий тадқиқотида “Хидоя”нинг рус тилига таржимаси мукаммал эмаслигини исботлади ва унинг араб тилидаги асл нусхаларидан фойдаланиб, мулк хукуқи масалаларини ёритиб берди. Ш.Эшонова, М.Рахмобова, Д.Каримова, А.Рахмонов сингари тадқиқотчилар мусулмон хукуқининг турли масалалари бўйича “Хидоя” ва бошқа манбаларга суюниб ёзишган илмий рисолалари ни нашр эттирилар.

Бу борада, айниқса, профессор А.Сайдовнинг хизмати алоҳида дикқатга сазовордир. Олимнинг хукуқий мерос ва унинг маънавий қадриятларимизда тутган ўрнига бағишланган ишлари жамоатчилик эътиборини қозонди. 1893 йили Тошкентда рус тилида 400 нусхада нашр этилган, эндиликда камёб китобга айланиб

рухига мақтov ва эркалашлар, эзгу хайрихохлик зарур бўлгани учун ҳам алла қўшиклари сирасига биринчи навбатда жўшқин меҳр, чукур ардоқ ифода қилувчи аллаларни киритган бўлсалар керак.

Биз ўрганиб чиқсан ўзбек халқ аллаларининг энг салмоқли қисмини эркалаш аллалари ташкил қилишининг сабаби ҳам балки ана шундандир. Оналар фарзандларининг таърифу тавсифида ниҳоятда саҳиидирлар. Суюкли фарзанд аллаларда энг чиройли, энг қадрли нарсаларга ўҳшатилади. Айни когда, у ёки бу нарсанинг кичкина ва жажиларига, янада ширинроқ ва жозибадорроғига қиёс қилинади. Куйида халқ аллаларидан намуна келтирамиз.

МЕҲРУ АРДОҚ ҚЎШИФИ

Фарзанд гулдир, она бир бўстон...

(Ҳ. Олимжон)

Ҳалқимизнинг қадим кўшиқ турларидан бирисмиш аллаларда онанинг ўз дилбанди, жигаргушаси бўлмиш фарзандига аталган меҳру ардоғи ўз ифодасини топган.

Олимларнинг кўрсатишича, бола қанча ёш бўлса, эътибор ва эркалашлар унинг жисмоний ва руҳий тараққиёти учун шунчалик зарур экан. Бола ўзининг бошқалардан ақллироқ, кучлироқ, довюоракроқ, барча учун бирдай суюми экани ҳакиқатида таъкидни қанча кўп эшишса, унинг ҳаётгани ўз ифодасини топган.

Демак, оналар ўзларининг қайноқ меҳрлариданги келиб чиқиб эмас, балки мурғак гўдак

ЖОНИМНИНГ ЖИНДАЛАГИ

Жонимнинг жиндалаги,
алла,
Ковуннинг ҳандалаги, алла.
Гуллар ичиди фунчаси, алла,
Нонлар ичиди кулчаси, алла.

Шу болам бир қизил
гулдир, алла,
Гулларга кўнган булбулдир,
алла.
Қизил гулим сўлмасин, алла,
Шугина жоним ўлмасин, алла.

Ўзинг гулзор, боғимсан,
алла,
Суянишга тогимсан, алла.
Коронгу кечаларда, алла,
Ёндириган чирофимсан, алла.
Сутдан оппок, гулдан исли, алла.



Бу дунёда йўқдир мислинг,
алла.
Орзуларим — олтин тожи,
алла,
Менинг жоним — шунинг
божи, алла.

Алла, алла оплогим, алла,
Гул ичиди япрогим, алла.
Қизил гулнинг бутоги, алла,
Онанг шунинг адфи, алла.

У ёнимга кўяйин, алла,
Бу ёнимга кўяйин, алла.
Гулдан ширин исинги, алла,
Хидеб-хидеб тўяйин, алла.
Алла болам, алла-ё, алла,
Гулу лолам, алла-ё, алла.
Мунаввар Ёқуббекова,
фольклоршунос

“Avesto”ni varaqlaganda...

КАДИМИЙ ЎГИТЛАР

Тарихда шундай буюк шахслар бўладики, улар жамият равнақига ниҳоятда кучли таъсир кўрсатишиади. Шунингдек, шундай буюк асарлар бўладики, инсоният ундан ҳар доим ҳайратланади, маънавий озиқ олади. “Авесто” ана шундай “муҳташам ёзма обида”лардан биридир. Мана, 2700 йилдан бўён бу китоб бутун инсоният дикқат-эътиборини ўзига жалб этиб келмокда.

“Авесто”даги ўгитномаларнинг асосий мақсади халқ руҳига, кўнглига таъсир этиш орқали жамиятнинг муайян даврлари билан боғлиқ ахлоқий фалсафий муаммоларни хал этишдир. Қадим паҳлавий тилидаги Авесто андарзлари (андарз — пандома, ўгитнома демакдир) ҳам ана шу хусусиятга эга. Уларда жамият курилиши, ундаги сиёсий, ахлоқий, иқтисодий, маданий-маърифий муаммолар борасида бахс юритилади. Муҳими, уларнинг асосий қисми дунёвий мазмунга эгалигидир.

Андарз-ўгитномаларнинг мавзу қамровида оила ва фарзандлар тарбияси, инсон умрининг мазмунни ва моҳияти, инсоннинг жамият аъзолари билан бўладиган муносабатлардаги ахлоқий меъёрлар, инсоннинг табиат билан, ҳайвонот ва наборот билан муносабати, зиммасига тушадиган масъулият ва вазифалар ҳақида мулҳазалар мавжуд.

Мазкур ўгитномалар тарбиявий аҳамиятга молик. Уларда инсон учун зарур эзгу хислат ва фазилатлар улуғланади, инсонлик шаънини ерга урадиган кусурлар, аксинча, қораланади. Бу ўгитлар буғунги кунгача ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Зоро, “Авесто” халқимизнинг қадим тарихий муҳташам обидаси сифатида замондошларимиз, хусусан, ёшларимиз маънавиятини бойитишида ўз хиссасини кўшаверади. Куйида сизнинг эътиборингизга “Авесто” ўгитларидан намуналар ҳавола этаъпмиз.

Боқижон Тўхлиев,

филология фанлари доктори, профессор

ўз фаолиятингизга боғлик, деб билинг.

Фойда топища жидду жаҳд кўрсатинг ва мулҳазакор бўлинг, тақдирга, шунингдек, баҳтга умидворлик билан яшанг.

Эзгулик ва ёрдам ақлданадир. Зоро, инсонни олий дарражага ақл олиб чиқади, уни энг ёмон омадсизликдан ҳам ақл куткаради.

Ақл—руҳ ҳимоячиси, пособни, ақл—тана кутқарувчиси ва мададкоридир.

Энг яхши бойлик ақл, камбағалидаги энг ишончли таянч ҳам ақл.

Бу дунёдаги энг яхши ёрдамчи—акл, у дунёда энг ишончли мададкор ҳам ақл.

Ақлга таянган камтарлик, аълодир.

Ақлга таянган билим, таъсиридир.

Ҳар кимда ақл бўлса, малақ ҳам бўлади. Кимда ақл бўлса, бойлик ҳам бўлади, кимнинг ишлари яхши бўлса, демак, асосини ақл воситасида килади.

Доно ишнинг натижасини бошланишидан билади, ноёндун унинг охирини кутади.

Кўзи билан вақтни лоқайд кузатгани шундай уйку босадики, у қайта турмайди; юрагини шундай дард тутадики, у бошқа урмайди; синган кўли ўсиб чиқмайди, синган оёғи эса қимрламайди.

Эзгулик кўрсатиш, рост гапириш, уйланиш, бу дунёда насл тўратиш, динда барқарор бўлиш, Вараҳрон оловини тузатиш, диний байрамларни нишонлаш, чорвани кўпайтириш, хайр-саҳоват кўрсатиш зардуштийларга муносиб ишлардир.

ВЕҲЗОД ФАРРУХ ПЕРУЗ ЎГИТЛАРИ

Ростгўй ва доно сўзлар билан Веҳзод Фарруҳ Перуз шундай деган:

“Синадимки, ақл — маънавий бойликларнинг афзалидир. Бу дунё ишларининг барчasi ақл билан тақсимланади. Кимда ақл бўлса, унга осон, кимда ақл бўлмаса, унга доимо мушкул.

Зиёдулло Муқимов, хукуқшунослик фанлари доктори, профессор

Серҳаракат бўлинг, эзгу

амалларни кўпайтиринг, ўз бурчинизни адо этишдан чекинманг, шунда тақдирингиздан миннатдор бўласиз.

Ўзбилимларни қилманг, энг кичик гуноҳдан ҳам сақланинг, энг катта бойлигиниз ҳақида маҳмадоналик қилманг.

Бошқанинг кўли билан бирор иш қилманг.

Дангасаликни тақдирга эмас,



Ўйинчоқлар оламининг бола тасаввурига қандай таъсири борлигини биласиз. Ўйинчоқни севмаган, у билан овумаган бола зотининг ўзи йўк.

Янгиёл туманидаги "Бойчечак" болалар боғчасида ўйинчоқлар ўзгача бир олам сифатида кичкитойларни ром этади.

Бумасканда ўғил болаларни чиниқтириш, тоблаш мақсадида каратэ тўғрага очилган. Машгулотлар ҳафтанинг маълум кунларида ва рисоладаги ташкил этилмоқда. Ажаб эмас, бу боғча болаларидан каратэ бўйича чемпионлар чиқса.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ОНА БИЛАН БОЛА – ГУЛУ ЛОЛА

"Оналар ва болалар" иили муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси "Она ва бола" давлат дастури тўғрисида қарор қабул қилганини боис, дастур асосида мактабгача таълим мусассасаларида ҳам кўпгина тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Шундай тадбирлардан бирни яқинда Зангиота туманинг меҳрибон ойижонлари билан биргалиқда иштирок этди.

Бутадир фестивал сифатида ўтди. Катнашчиларни аҳил оила, пазанда оила, ижодкор оила ва фидокор оила деб номлаб, уларни баҳолашди.

Ҳақиқатдан ҳам фарзанд ширин, улар авлод давомчиси. Уларни камолга етказиш бизнинг мұқаддас вазифамизdir. Белашувнинг биринчи шартни бўйича иштирокчилар ўзларини танишилди. Иккичи шартда эса миллий тарбия, урф-одатларимиз, қадриятларимизни намоён этадиган чиқишилди.

Тадбирни боғча мудираси Озода Абзалова кириш сўзи билан очиб, шундай деди: "Мактабгача ёшдаги болаларни аждодларимиздан мерос бўлиб қолган анъаналар ва урф-одатлар асосида миллий қадриятларга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялашда бизга ота-оналаримиз яқиндан ёрдам бериб келмоқдам. Биз ҳам ўз навбатида ёш ота-оналаримизга болаларни мактабга тайёрлашда услубий ёрдам бериб келмоқдамиз. Мана шу тадбиримиз орқали ҳамкорлигимиз натижасини сизларга намойиш этамиз".

Дарҳаққат, бундай ҳамкорликнинг самарасини тадбир давомида кузатиб бордик. Белашувда боғчанинг жажжи қиз-

чалари ўзларининг меҳрибон ойижонлари билан биргалиқда иштирок этди.

Бутадир фестивал сифатида ўтди. Катнашчиларни аҳил оила, пазанда оила, ижодкор оила ва фидокор оила деб номлаб, уларни баҳолашди.

Ҳақиқатдан ҳам фарзанд ширин, улар авлод давомчиси. Уларни камолга етказиш бизнинг мұқаддас вазифамизdir. Белашувнинг биринчи шартни бўйича иштирокчилар ўзларини танишилди. Иккичи шартда эса миллий тарбия, урф-одатларимиз, қадриятларимизни намоён этадиган чиқишилди.

Мурасасин бахслар билан ўтган бу беллашув ҳаммани хушнуд этди. Ҳақиқатдан ҳам биз яхши орзу ва эзгу ниятларимизмана шу мустакил Ватанимиз равнақида кўрамиз. Келажигимиз бўлмиш барқамол авлодни шу давр руҳида тарбиялашда озгина бўлса ҳам ўз хиссасини кўшаётган бундай тарбиячилардан ёш авлод ҳамма вақт ҳам миннатдор бўлади.

Мурасасин бахслар билан ўтган бу беллашув ҳаммани хушнуд этди. Ҳақиқатдан ҳам биз яхши орзу ва эзгу ниятларимизмана шу мустакил Ватанимиз равнақида кўрамиз. Келажигимиз бўлмиш барқамол авлодни шу давр руҳида тарбиялашда озгина бўлса ҳам ўз хиссасини кўшаётган бундай тарбиячилардан ёш авлод ҳамма вақт ҳам миннатдор бўлади.

Шерзод АХМАТОВ,
"Маърифат" мухбири

сағайған синф журнали бўйича йўқламани ўқиди. Собик синфдошлар бугун ўз ораларида бўлмаган дўстларини хотирлашди.

Шундан сўнг собик синфдошлардан айни пайтларда туман ветеринария-да-

Самарқандаги "Эл" очик турдаги хиссадорлик жамияти ўз фаолиятини 1988 йилдан бошлаган. Дастреб мамлакатимиз халқ хўжалигининг курилиш, кимё, тибиёт ва бошка соҳалари учун янги технологияларни ишлаб чиқиши жорий қилишга ихтиносластирилган компания сифатида иш бошлаган мазкур жамият айни кунда ўз тармоқларини кенгайтириб бормоқда.

Мамлакатимизда таълим соҳасидаги ишлабчилар 1997 йилдан бошланганини маълум. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўқизинчи сессиясида қабул қилинган "Таълим тўғрисида" ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллӣ дастури" нинг давлат даражасида аҳамиятли эканлигини чукур хис килган мазкур жамият айнан шу йилдан бошлаб мамлакатимиз таълим мусассасалари физика, кимё, биология, астрономия фанларининг маҳсус хоналари учун ўкув-лаборатория жиҳозлари, балки Самарқанд, Тошкент, Навоий, Чирчик, Фарғона, Наманган шаҳарларидағи йирик-йирик ишлаб чиқариши корхоналари билан ҳамкорликда тайёрланган маҳсулотларни ҳам етказиб берши билан машгул.

Яна шу нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, бу ерда тайёрланётган маҳсулотлар рўйхати янги ўкув дастурлари ва давлат таълим стандартлари талабларидағи мос равишда тузилган. Маҳ-

LDDIDAC" таълим материаларини чоп этувчи, ишлаб чиқарувчи ва дистрибуторларниң Бутунжаҳон Ассоциациясида азъо бўлди. Шу ўринда мазкур халқaro ассоциациянинг жаҳон бўйича 300 тадан ортиқ етакчи корхоналарни бирластиришини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизди.

Айни кунда "Эл" очик турдаги хиссадорлик жамияти республика таълим мусассасаларига нафақат ўзларида ишлаб чиқилган ўкув-лаборатория жиҳозлари, балки Самарқанд, Тошкент, Навоий, Чирчик, Фарғона, Наманган шаҳарларидағи йирик-йирик ишлаб чиқариши корхоналари билан ҳамкорликда тайёрланган маҳсулотларни ҳам етказиб берши билан машгул.

Яна шу нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, бу ерда тайёрланётган маҳсулотлар рўйхати янги ўкув дастурлари ва давлат таълим стандартлари талабларидағи мос равишда тузилган. Маҳ-

Elga xizmat — oliv himmat

маркази органларининг сертификатлари бор.

Айни пайтда ЎМКХТ Маркази бўйргуга мувофиқ, мазкур жамият таълимнинг янги жиҳозлари ва техник воситаларини тажриба-символдан ўтказиш ва жорий қилиш бўйича худудий базавий таълим мусассасалари тармоғини тузишида иштирок этмоқда.

"Кадрлар тайёрлаш миллӣ дастури" ҳамда давр таъбларидан келиб чиқсан ѡзларидан ўзларида тайёрланётган маҳсулотлар турини кўпайтириш борасида доимий изланишлар олиб боришишмоқда. Бунга мисол тарикасида бу ерда 1999 йилда 12 та, 2000 йилда 34 та, 2001 йилда 130 та номда маҳсулот чиқсанлиги, 2002 йилда 320 тага яқин ва 2003 йилда 440 та номдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилишининг режалаштирилганлигини айтиб ўтишимиз мумкин.

Сўнгги йилларда ушбу

БАРКАМОЛЛИК САРИ ИНТИЛИШ

тиллари, маҳсус фанлар бўйича кўргазмали кўлланмалар ишлаб чиқариш ва етказиб беришига ихтинослаша бошлади.

Орадан бир йил ўтар-утмас "Эл" очик турдаги хиссадорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қараша 140 та мактабнинг кимё фани маҳсус хоналарини, 1999 йилда эса Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ЎМКХТ Маркази тасарруғидаги янги академик лицейлар ва касб-хунар коллежларидан 185 тасининг кимё ва физика хоналарини ўкув маҳсулотлари билан жиҳозлади. Шу тарика "Эл" ОТХХНинг таъсир доираси кенгайиб, 2000 йилдан яна 119 та академик лицей ва касб-хунар коллежлари кимё, физика, биология фанлари ўкув хоналари ҳамда ишлаб чиқариш устахоналарини таълим жараёни учун муҳим бўлган устахоналар, кўргазмали восьиталар ва бошқа ўкув материалы билан таъминлади.

Мазкур даргоҳда ҳар бир ходимнинг ўз вазифасига ҳар томонлами ижодий ёндашувни учун барча шарт-шароитларни яратилганлиги жамоят аъзоларини янгидан янги зафарларга чорлади.

2000 йилдан "Эл" очик турдаги хиссадорлик жамияти жаҳонга юз тутиб, ваколатхонаси Швейцариянинг Берн шаҳрида жойлашган "WOR-

сус устахоналар ва кўргазмали кўлланмаларнинг оммавий ишлаб чиқарилиши эса ОҮМТВ ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази билан келишилган техник буюртмалар асосида амалга оширилаяти. Ушбу хиссадорлик жамиятида мамлакатимиз илмий ва педагогик салоҳиятидан унумли фойдаланиш мақсадида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллажлари, олий ўкув юртлари ўқитувчилари, мутахассис олимлари билан мунтазам ишлаш яхши йўлга кўйилган. Шунингдек, қатор илмий-тадқиқот институтлари ва Ўзбекистон фанлар академияси билан ҳам яқин козогларни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур таъкидларда қатнашадиган Англия, Жанубий Корея, Япония, Хитой каби кўплаб ривожланган давлатларни ичада ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчи "Эл" ОТХХ жамоасининг галиб чиқиши ҳаммамиз учун ҳам муҳимдир. Шу боис, таҳрирятимиз "Осиё тараққиёт банки лойиҳасининг маҳаллий афзаликлиги" руҳни остида ушбу тендерга боғлик долзарб мавзулар бўйича туркмаколалар уюштириши ниятида эканлигини билдирилмоқчилигиз ва барча муштарила-римизни ушбу мақолалар мұхомасида катнашишга таклиф этамиз.

Нурлан УСМОНОВ,
"Маърифат" мухбири

сағайған синф журнали бўйича йўқламани ўқиди. Собик синфдошлар бугун ўз ораларида бўлмаган дўстларини хотирлашdi.

Шундан сўнг собик синфдошлардан айни пайтларда туман ветеринария-да-

шон" ва "Мўминобод" ширкат хўжаликлари аъзолари Алимардан Эсонтурдиев ва Ойтош Мелиевалар сўзга чиқиши, ўз меҳнат фоалиятлари, турли жабхаларда ишлаб, туман халқ хўжалигини ривожлантиришга ҳисса кўшаётган со-

волаш маркази бош шифокори вазифасида ишлётган Пўлат Набиев, туман умумий овқатланиш корхонаси директори Аҳтам Рахматов, 27-мактаб директори Қархамон Фармонов, "Мехнатобод" ширкат хўжалигига яшовчи, кўп йиллар шу хўжаликка раислик қилган нафакаҳа қўр Муродулла Турсункулов, "Зара-

бик синфдошларининг тутган ўрни ва хизматлари ҳақида тўлқинланиб гапириб бердилар. Тарихга айланган ўтмиши саҳифаларидан ибратли лавҳаларни яна бир бор эсга оддилар.

Учрашувда сўз олган устоз-мураббийлар — Л.Турсунов, М.Жалилова, М.Ах-орров, И.Зиёевлар шогирдларининг

An'ana

эл-юрги хизматига камарбаста бўлаётганликларидан мамнун эканликларини фахрланиш тўйгулари билан айтдилар. Сўнгра, собик синфдошлар ва уларнинг устозлари бир пиёла чой устидаги кизгин сухбатни давом эттиридилар. Уларни мактаб ўқитувчилари самимий кутлашди. Устозларга совфа-саломлар улашилди.

Ушбу учрашув яна бир хайрли тадбирга уланиб кетди. Шу куни мактабда узок йиллар самарали меҳнат кигланекес ўқитувчилар Ёрқин Йўлдошев ва Гулпўлат Баротовларни нафакага кузатиш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Матлаб ҲАСАНОВ

АСОСИЙ КУРС

Lesson Four

Our Flat (Бизнинг уй (квартира))

I. "There is, there are" ибораси ва унинг инглиз тилида кўлланиши ҳакида.

II. Ўрин-жой ва йўналиш предлоглари.

There is... There are -бор, жойлашган, туради.

Ўзбек тилидаги "бор" деган сўз инглиз тилида иккита турли феъллар билан ифодаланади: уларнинг бири "have", III шахс бирлик учун "has" бўлиб, у бирор нарсанинг бирор шахсда мавжуд эканлигини билдиради.

Масалан:

1. I have a father, a mother and a little brother.

Менинг ота-онам ва укам бор.

2. He has an English lesson today.

Унда бугун инглиз тили дарси бор.

"There is ..." ва "There are" эса, бирор бир нарсанинг (there is ...) ёки нарсаларнинг (there are ...) аниқ бир жода борлигини билдиради.

Масалан:

1. There is a man in the room.

Хонада бир киши бор.

2. There are some people in the room.

Хонада бир қанча одамлар бор.

Инглиз тилида бу иборани кўллаш сўз тартиби бор:

I II III

«There is a» + предмет + жой номи номи

Дарак гапларда ишлатилиши

Биринчи ўринда шу иборани кўйиш керак: «there is a...» бирлиқда (қачонки бир нарса ёки бир шахс тўғрисида гап юритилаётган бўлса), "there

**ИНГЛИЗ ТИЛИ
САБОҚЛАРИ**

аге..." кўплиқда (қачонки кўп сонли нарса ёки шахслар ҳакида бўлса).

Иккинчи ўринда ўша гап юритилаётган предмет ёки шахс келади.

Учинчи, охири ўринда эса шу предмет ёки шахснинг каердалиги айтилади. Айрим ҳолларда ўрин холи жумла бошида ҳам айтилиши мумкин.

In Tashkent there are many big buildings.

Тошкентда кўпгина катта бинолар бор.

Шу ибора билан тузилган инглизча жумлаларни ўзбек тилига таржима қилганда эса, ўзбек тилида жумлани ўрин холидан бошлиш керак. Келтирилган мисолда бу яққол кўриниб турибди.

There are three rooms in our flat.

Бизнинг квартирамизда учта хона бор.

Инкор гапда ишлатилиши

Қачонки биз бирор нарса ёки нарсаларни аниқ бир жода йўклигини айтмоқчи бўлсак, бу холда "not"-йўқ, эмас сўзини бирлиқда "there is not a...", кўплиқда эса "there are not..." ҳолида ишлатамиз.

Масалан:

1. Стол устида китоб йўқ.

There is not a book on the table.

Оғзаки нутқда "is not" ва "are not" сўzlари бирбирига қўшилиб, қисқартирилган холда қўйидаги шаклда кўлланади:

1. There aren't any pens in my bag.

Менинг халтамда ҳеч қандай ручкалар йўқ.

2. There isn't a book on the table.

Столда китоб йўқ.

Сўроқ гапда ишлатилиши.

Қачонки биз "аниқ бир жода бирор нарса борми?" деб сўрамоқчи бўлсак, биз "there is a..." ва "there are" иборасидаги "is" ва "are" феълларни "there" сўзидан олдин кўйишимиз керак бўлади.

Масалан:

1. Is there a book on the table?

Стол устида китоб борми?

2. Are there any students in the room?

Хонада талабалар борми?

Савол кўтаринки оҳанганд талаффуз этилади ва кисқа «ҳа» ёки «йўқ» деган жавоб талаб қиласди. Шу кисқа «ҳа» деган жавоб инглиз тилида «yes» ха сўзига яна «there is» ёки «there are» ларни кўшимча қилиб айтиш орқали берилади.

Масалан:

1. Is there any water in the tea-pot? -Yes, there is.

Чойнакда сув борми?-Ҳа, бор.

2. Are there any chairs in the room? -Yes, there are.

Хонада бир неча стуллар борми?-Ҳа, бор.

Инкор жавобида эса "there isn't" ва "there aren't" сўzlари "no"-йўқ деган жавоб сўзидан кейин айтилади.

Масалан:

1. Is there a sofa in the room? -No, there isn't.

Хонада диван борми?-Йўқ.

2. Are there any pictures on the wall? -No, there aren't.

Деворда расмлар борми?-Йўқ.

Good bye!!
(Давоми бор)

**Fly High-ЮКСАЛАРГА
ПАРВОЗ ҚИЛ!**

1998 йилда Республика Халқ таълими вазирлиги Британ Кенгаши ва Союз жамғармаси билан ҳамкорликда Дарслклар ёзилиши ва дизайнига тайёр гарлар кўриш Дастурини бошлаган эди. Унга кўра, танлов асосида Ўзбекистоннинг турли жойларидан келган мактаб ўқитувчилари дарслик муаллифлари сифатига белгиланиб, Буюк Британиялик маслаҳатчилар улар билан дарслик ёзиш назарияси ва амалиёти бўйича тренинглар ўтказди. Бир неча ойлик меҳнат натижаси ўлароқ, ўтган йили сентябрь ойига 5-синф инглиз тили дарслиги нашрдан чиқди. Айни пайтда 6-синф дарслиги нашрда деярли тайёр бўлиб, муаллифлар 7-синф дарслаги устида ишламоқдалар. Дастурга мувофиқ, бир вақтнинг ўзида ўқитувчиларни нашр қилинган 5-синф дарслигидан фойдаланишга ўргатиш учун тренинглар ўтказилмоқда. Шу кунгача 400 нафар ўрта мактаб ўқитувчилари шундай тренингга қатнашидилар.

"Ўқитувчичи" нашриётида нашр этилган мазкур 5-синф дарслиги Флай Хай ("Fly High"-йзбек тилида "Юксакларга парвоз қил") деб номланган бўлиб, етарли даражада сифатли ишланган. Уни дарслик-мажмуя деб атаса ҳам бўлади, чунки бу мажмуя нафақат дарслик, балки китобда берилган машқларни бажариш учун тузилган машқ дафтиари ва сўзларни тўғри талаффуз қилишига ёрдам берувчи аудио кассетани ҳам ўзичига олган.

Мазкур дарслик муаллифларининг иши компьютердан фойдаланишини тақозо этади. Бироқ, шу кунгача уларнинг ихтиёрига фақатгина 1 та компьютер бор эди, холос ва бу дарслик ёзилишини кечиктирарди. Бунинг устига муаллифларнинг турли вилоятлардан келганлиги ҳам компьютердан фойдаланишда баъзи нокуликлар туғтиради.

Айнан шуларни эътиборга олиб, АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси бундан бир неча кун олдин муаллифлар гурӯҳига 8 дона компьютер берди.

**Ботиржон ФОФУРОВ,
"Маърифат" мухбери**

Глобал мәйлумот узатиш тармоғи сифатида ишлаб чиқилган ва лойиҳалаштирилган Интернет компьютер тармоғига тараққиётнинг бир қуороли сифатида борган сари катта аҳамият берилмоқда. Компьютерларда тараққиётнинг синонимлари бўлиб қолди, улар бизнес, таълим, давлат ва нотижорат ташкилотлари фаолиятини амалга ошириш учун туб жиҳатдан янги имкониятлар очиб бермоқда. Ҳозирнинг ўзидаёткоз электрон тижорат, электрон тўлов тизимлари, электрон ҳужжат юритиш, Интернет орқали сиртқи таълим, виртуал ахборот-таҳлия манбалари кенг ривожида.

Ушбу механизmlардан ижтимоий-иқтисодий тараққиёт масалаларини ҳал этиш мақсадида фойдаланиш кўп жиҳатдан бу соҳадаги муваффақиятли халқаро тажрибани қўллашга боғлиқ. Айнан шу боис ҳам Жаҳон банки "Global Develop ment Gateway" глобал лойиҳасининг бир таркибий қисми сифатида "Ўзбекистон — Интернет орқали тараққиёт" ("Uzbekistan" — Internet via O'zbekiston) тараққиётни амалга оширилаётган иқтисодий илоҳотларни ҳолда ахборот, шу жумладан, статистик ва қонунчилик оид манбалар топмоқда.

Лойиҳанинг пирвард натижасида Интернет-портал яратилиши кўзда тутилган. У Ўзбекистон тўғрисида хабардорликни кенгайтириш, амалга оширилаётган иқтисодий илоҳотларни ҳолда ахборот, шу жумладан, статистик ва қонунчилик оид манбалар топмоқда.

Шакллантириш, инвестицион манфаат ва иш ҳамкорлигини оширишга кўмак беради. Порталнинг мазмуний қисми тараққиёт масалалари кенг доирасини ўз ичига олади, шунинг учун Жаҳон банкининг ушбу гранти Иқтисодий тадқиқотлар маркази томонидан бажариладигани тушунарли ҳолди.

Марказ тадқиқотларининг мавзулари жумласига бандлик, савдо, глобализация, молия, қашшоқлик, солиқ тизими, капи-

лар, бизнес тузилмалари, сармоя лойиҳалари тўғрисидаги энг муҳим мәълумотларни тезкор равишда тақдим этиш учун ноёб имконият яратади. Бундан ташқари, унинг таркибидаги янгиликлар мажмуй, виртуал кутубхона ва университетлар бўлади, унда электрон конференция ва анжуманлар ташкил этилади, шунингдек, электрон тижорат учун замин яратилади. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, портал Интернет тармо-

лар, бўлинмаларидан ташқари бошқа халқаро ташкилотлар, хусусий ва корпоратив ҳомий ва сармоядорларнинг иштирок этиши мўлжалланмоқда. Шуни қайд этиш лозимки, агар 2000 йилда UDGга ўхшаш лойиҳалар Европа ва Марказий Осиёнинг 25 мамлакатида тайёр гарлар кўшилиб, иштирокчи мамлакатлар сонини 50 тага етказиши режалаштирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 23 майдаги "2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш «Интернет»нинг халқаро ахборот тизимларига кенгайтириш, боришини таъминлаш дастурни ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг қабул қилиниши Ўзбекистонда UDG лойиҳасини бошлаш учун кучни турти бўлди. Ўз на вбатида, UDG лойиҳасининг тўлақонли фаолият юритиши Интернэт оламига очилган дарвозаларни кенгайтириб, мамлакатимизнинг глобал ахборот тармоғига кириб боришига фаол кўмаклашиши мумкин.

**ИНТЕРНЕТ ТАРАҚҚИЁТ
ХИЗМАТИДА**

Биз жуда кўплаб музей-шахарлар ҳакида эшитганмиз. Миср ўлкасида пирамидалар жойлашган худуд, кўхна Рим ва Афина харобалари... Бу рўйхатни узоқ давом этириш мумкин. Ва бизни қувонтирадиган ҳолат, мана шу музей-шахар, деб эътироф этилган шахарлар орасида мамлакатимизнинг Бухоро, Самарқанд, Хива каби бир-биридан гўзал ва салобатли, қадимийлиги ва навқиронлиги билан барчани ўзига ҳанузгача жалб этиб келаётган шахарларимизнинг борлигидир.

Биз бугун Бухоро шаҳри ҳакида қисқагина маълумот бермокчимиз. Минглаб сайёхларни ўзига жалб этаётган Шарқнинг афсоны шаҳри Бухородаги бугунги кунгача сакланиб қолган меъморий обидалар Шарқ Уйғонин даврида бунёд этилган. Илк ўрта асрларда Бухоро худуди 40 гектара яқин майдонни ўз ичига олган. Ушбу шаҳар 708 йилда узил-кесил Араб истилочилари томонидан забт этилди, IX асрга келиб у мусулмон дунёсининг йирик маданий-маърифий, диний марказларидан бирига айланган. Ша-

ШАРҚНИНГ АФСОНАВИЙ ШАҲРИ

ҳар азалдан турли дин вакиллари жамланган жой бўлса-да, уни “Ислом гумбази” (“Куббатул-ислом”), деб аташ ҳам ўша даврдан бошланган.

Бухоронинг энг қадимги обидаси, албатта, унинг калья деворлари ва дарвозаларидир. Фоят катта даҳмалар кўринишида ва узук-юлук ҳолида сакланиб қолган қалья девори тевараги мудофаа меморлигининг ноёб намунасидир.

Қадим замонлардан шу кунгача сакланиб қолган иншоотларни бирни Арк дарвозаси бўлиб, у гарбий томонга, Регистон майдонига қараган. Дарвоза XVIII асрда салмоқдор пештоқ кўринишида курилган бўлиб, равоқли йўлнинг икки томонидан кўшбўғинли, курдатли миноралари бор эди. Олимларнинг тадқиқотлари натижасида шаҳардаги 11 та дарвозанинг номи тикланган. Улардан бештаси ҳозиргача сакланиб қолган даҳаларда жойлашган.

Шаҳарнинг гарбий қисмида, Регистон яқинида яна бир, Ўрта Осиё меморчилигининг дурдоаси бўлган Сомонийлар мақбараси жойлашган.

Бухорода шунингдек, яна кўплаб обидалар, қадамжолар мавжуд.

ТАРИХДАН БИР ЛАВҲА

1918 йилда ташкил топган биринчи бадиий музейга 1935 йилда “Ўзбекистон давлат санъат музейи” номининг берилиши қувончли воқеа бўлган эди. Ўша пайтлар биринчи марта очилган ўқувчи-ларнинг бадиий кўргазмаси музей ҳаётидаги катта ўзгаришга сабаб бўлган. Музей раҳбари Файзи Ёкубов ва музей ходимлари ҳаракати билан очилган кўргазмада республикамиздан 240 нафар ўқувчи катнашганди. 30-йилларнинг ўзида ўзбек оиласидан чиқкан 22 нафар ўқувчи қобилияти ана шу кўргазмада аниқланди. Кўргазма иштирокчisi, тошкентли Абдулла Йўлдошев билан кўшик тайёрладик. Ҳозир оранжировкаси тайёр бўлди, яна

мухлисларига “Онажон”, “Айлама”, “Гуноҳим”, “Ёр кетди” кўшиклари билан танилган Салоҳиддин Азизбоев бугунги ҳамсұхбатимиз.

— Салоҳиддин ака, анъанавий саволимиз, яъни яқин кунларда ўз муҳлисларингизга қандай кўшик тақдим этмоқчисиз?

— Махтумкулининг битта шеърини устозим Баҳтиёр ака Йўлдошев билан кўшик тайёрладик. Ҳозир оранжировкаси тайёр бўлди, яна

гараланиб қолмайди. Чунки мантиқан ўйлаб кўрадиган бўлсак, бир касб иккичи касб билан боғлик. Қасбларни ҳам бир-биридан ажратиб бўлмайди. Мен 12 йилдан бери консерваторияда дарс бериши билан бирга ўзим ҳам талабалардан дарс оламан. Негаки, мен ҳам қандайдир фикрда чегаралангандирман. Биласиз, ҳар қандай инсоннинг онги ҳамда фикрлашида меъёр бор. Ким билан ҳамфир бўлсан, у кишидан бирон-бир нарсани ўргани-

ЭНГ КАТТА САҲНА - ИНСОН КЎНГЛИ

бир кўшиғим тайёр. Шуларни муҳлисларимга тақдим этмоқиман.

— Катта саҳнада сизни танин илик кўшиғингиз ҳакида тўхтассангиз?

— Аслида бир муҳлис ҳам катта саҳнадир. Чунки инсоннинг кўнгли кенг. Шунинг учун мен катта саҳнага талабалик давримда 1983 йилда “Онажон” кўшиғимни айтиб қадам кўйғанман.

— Қўшиқчи эканлигингизни биламиш. Шу билан бирга ўқитувчи ҳамсиз. Бу иккى соҳа ўртасида фарқ бор, бу ҳолатни ўзингиз қандай изоҳлайсиз?

— Инсон битта касб билан че-

ши мумкин.

— Сиз яратган кўшиклар мумтоз жанр билан ўйғунашиб кетади. Бунинг сабабларига тўхтассангиз?

— Биласизим, ҳар бир кўшиқчинг кўни, кўшиғи, йўналиши бўлиши керак. Мен ҳам бир йўналишда ўз муҳлисларимни ортирганман. Шунинг учун ҳам кўпроқ мумтоз кўшиқ яратишга ҳаракат қиласам.

— Салоҳиддин ака, сизнингча, ғижжакнинг сирни нимада?

— Нима дейди, соз билан овоз ака-ука. Соз билан овозни ажратиб бўлмайди. Агар ижрои башка бир ижрочининг оҳангига овозини туши-

риб эргашса, у эргашувчи бўлиб қолади. Ўзининг овозига, оҳангига эга бўлганида, у кўшиқчи сифатида тан олинади. Шунинг учун мен ҳам битта йўналишда фаолият олиб бораман. Шу билан бирга шуни айтиш керакки, ҳар бир кўшиқчи битта созни мукаммал ишлатишни билиши керак.

— Муҳлисларингизга тилакларигиз?

— Ўз муҳлисларимга ва касбдош ўқитувчиларга омад ёр бўлсин. Уларнинг ҳакиқий устоз бўлишини тилаб коламан ва заҳматли ишларига муваффақият тилайман.

Шерзод АҲМАТОВ
суҳбатлаши.

ҲАММАСИ БОЛАЛАР УЧУН

“Ўзбекистон Миллӣ бояғ”да бўлиб ўтган сийада иштирок этганлар ёдидан узоқ вақт ўчмаса керак. Маданият ишлари вазирлигининг Ҳалқ ижодиёти республика маркази, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, Чилонзор туман ҳокимлиги, “Ўзбекистон миллӣ бояғ” билан ҳамкорлика Оналар ва болалар йилига бағишлил “Ҳалқ ижодиёти – болаларга” деб номланган оммавий байрам сайлини ўтказди.

Элмурод Исломов раҳбарлигидаги доирачилар гурухи, “Булбулча” болалар хори, қизиқчи Валижон Шамсиев, Ёшлар театри актёrlари, Турсунали Мамажонов бошчилигидаги “Водил чинори” миллӣ цирк гурухининг чиқишли

сайилга келган барча болажонлар, жумладан Тошкент шаҳар ногирон болалар реабилитация марказидан келган 150 нафар болада катта таассурот қолдириди. Шунингдек, ногирон болалар миллӣ таомлар, музқаймоқ билан меҳмон қилинди. Барча ўйингоҳлар болаларга бепул хизмат килди.

Байрамда республика болалар ижодиёти ҳамда Техника ижодиёти маркази тўғараклари катнашчиларининг кўргазмалари намойиш этилиб, ёш ижодкорлар ҳамда ногирон болаларга “Софлом авлод учун” ва “Олтин мерос” ҳалқаро хайрия жамғармалари ўз эсадликовфаравини топширишиди.

Зухриддин МАРДОНОВ

Сиз оғир машинани тиши билан тортуб ҳаракатга келтирадиган, шиша синиқлари, ўткир тишили пичоқ устида ҳам майин майса устида юргандек юрадиган, инсон ақли шониши қўйин бўлган турли акробатик ўйинлар кўрсатадиган полвонлар, проғаси мустаҳкам кишиларни кўп кўрган бўлишингиз мумкин.

Худди мана шундай кишилардан бирни водийлик Турсунали полвонидир. Сиз унинг барча жойда ўғиллари билан турли-туман мўъжиза деб атаса бўладиган томошаларни кўргансиз. Баъзан ҳайратга, баъзан кўркувга ҳам тушгансиз.

Мана, ўйирма кундан ошиски, водийлик миллий ўйинларимиз усталари, яъни Турсунали полвон ва унинг ўғилларидан ташкил топган “Водий чироғи” деб номланган миллий цирк санъати усталари поятхатнинг “Сайилгоҳ” кўчасига ўз томошаларини на мойиш этишмокда.

«ВОДИЙ ЧИРОҒИ» ТОШКЕНТДА

Биз турҳу аъзоларидан батафсил маълумот олишга ҳаракат қилдик, лекин уларнинг юят камтарларни тифайлими кўп нарсани билолмагик.

Ушбу турҳу республикамиздаги барча вилоятларнинг барча туманларида бўлган. Ҳалқимиз уларнинг маҳоратлари билан яхши таниши. Бундан ташқари, турҳу аъзоларидан бир нечтаси Германия, Саудия Арабистони каби мамлакатларда бўлиб, хорижлик кишиларни ҳам қадим анъаналаримиз, бетакор миллӣ цирк санъатимиздан баҳраман қилишган.

“Мустаҳвалигимизнинг 10 йиллиги кенг нишонланадиган кунларгача, яъни сентябрь ойигача шу ерда томошалар кўрсатамиз. Бизни қувонтирадиган нарса шуки, томошаларимиз бошланмасдан, атрофга одамлар ўғилмокда, томошабинлар орасига хорижлик кишиларнинг ҳам кўплигидан завқланамиз”, дейиши гуруҳ аъзолари.

Ф.ИБРАГИМОВА



ҚИЗИКАРЛИ КЎРГАЗМА

Жиззах шаҳрида ҳалқ хунармандчилари, пейзажчи рассомлар ва музейлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Қотирилган ҳайвонлар музейи буйича олимпия заҳиралари спорт коллежи, пейзаж расмлар буйича Жиззах шаҳри бадиий академик лицейи биринчи ўринни олишга мусясар бўлди. Фестивалда “Ўзбекрақс” миллӣ рақс бирлашмаси вилоят бўлими санъаткорлари томонидан катта концерт дастури намойиш этилди. Вилоят “Экосан” жамғармаси томонидан совғалар уюштирилди.

МАРОСИМЛАР ЁШЛАРГА

Қорақалпогистон Республикаси болалар кутубхонасида “Туй маросимлари ёшларга” деган мавзуда юқори синф ўқитувчилари иштирокида давра суҳбати ўтказилди. Туй ва бошқа маросимларни ихчам ва замонавий тарзда ўтказишни мақсад қилган ушбу тадбирда 27-урта мактабнинг қорақалпоқ тили ва адабиёт фани ўқитувчиси С.Шарипова, шу мактабнинг тарих ўқитувчиси Ф.Байлепесовлар иштирок этиб, туй-ҳашамларни мазмунли, қизиқарли ўтказиш ҳакида ўз фикрларини билдирилар. Давра суҳбати ёшлар учун аҳамиятли будди.

Мухтасархон КАРИМОВА

МАЛАЙЗИЯДА МЕДАЛЛАР

Республикамиз каратэ федерацияси раҳбари Нурхон Нафасов бошчилигидаги терма жамоа Малайзияда бўлиб ўтган Жаҳон кубоги мусобақаларида катнашиб 5 та олтин, 7 та кумуш, 4 та бронза медаллари билан қайтиб келдилар. 20 та мамлакатдан ташриф буюрган сара жамоалар ичида ўзбекистонлик якка кураш усталарига З-урин насиб этди.

Ушбу ҳафтада футбол бўйича олий лига жамоалари 16-тур учрашувларини ўтказди. Чемпионлик сари одимлаётган "Нефчи" клуби меҳмонда "Металлург"га қарши майдонга тушди ва кутилганидек ғалабага эришиди — 1:3.

Ўтган йилги мамлакат чемпиони пойттах вилояти жамоаси "Дўстлик" "Сўғдиёна" устидан 5:1 хисобидаги ютукини кўлга киритиб, бу йил ҳам шоҳсупдан умидвор эканлигини намоношди.

АКСАРИЯТ ҒАЛАБАЛАР КУТИЛГАН ЗДИ

"Пахтакор" чилар эса, ўтган турда "Нефчи"дан маглубиятга учрагани сабаб, ушбу тур учрашувда мухлислар кутмаган тарбиб билан катнашиди. "Андижон" устидан қозонилган 1:0 хисобидаги ғалаба уларнинг турнир жадвалидаги мавқенини меъёрига келтириди.

16-турда энг йирик хисоб "Навбаҳор" — "Бухоро" учрашувида қайд этилди — 6:1.

Шундай килиб, "Нефчи" 41 очко билан якка пешқадамлик килаётган бўлса, "Насаф" 35 очко билан иккинчи, "Пахтакор" ва "Дўстлик" 30 тадан очко билан кейинги ўринларда турибди.

"Семурғ" ва "Сурхон" жамоалари 9 тадан очко йиғиб, олий лига аутсайдерлари бўлиб турибди.

Отабек МИРЗАРАХИМОВ

ФИФА РАҲБАРИ АТРОФИДАГИ ГАПЛАР

Ўтган куни Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) Ижроия кўмийати Цюрих шахрида тўпланди. Кўмитанинг бу галги йиғилишидан кўзланган мақсад ФИФА раҳбари атрофида йиғилиб қолган гап-сўзларга ойдинлик киритиш эди. Уч йилдан бери футбол федерациясини бошқари келаётган Блаттерга бирмунча айлар ҳам кўйилаётганди. Масалан, шу йил ёзда Испаниянда ўтказилиши көрак бўлган клублар ўтасидаги жаҳон чемпионатининг кутимлганда бекор қилиниши. Яна бир айлов сифатида ФИФАнинг маркетинг компанияси банкрот бўлгани билан боғлик. Айтишларича, бу йўқотишилар федерация учун 50 миллион долларга тушиши мумкин. Хуллас, агар президентга самарасиз соҳаларга пул сарфлаш юзасидан берилган саволларга олинган жавоблар қониқарли бўлмаса, у ўз лавозимидан воз кечишига тўғри келади, дея тахмин килиш мумкин.


Фарангиз ХУДОЙБЕРДИЕВА

64 КАТАКДА

Хиндишонлик шахмат бўйича халқаро тоифадаги гроссмейстер Вишванатан Ананд Испанияннинг Леон шахрида ўтказилган тезкор шахмат бўйича анъанавий халқаро турнирда ғолибликни кўлга киритди. Кейинги пайтларда айрим кузатувчиларнинг "энг мулоҳазакор шахматчи" деган таърифига сазовор бўлаётган Ананд 64 катакда тезкор ҳаракат қилишда бошқалардан қолишмаслигини исботлади.

МУХЛИСЛАР — РОЗИ

Европанинг кўпчилик номдор жамоалари келаси мавсумда ўз таркибларида кўришни режалаштириб юрган Неста Александрова таклифларини билдиришга улгурмади. У "Лацио" клуби билан фаолиятини яна 5 йил давом эттириш ҳақида шартнома имзолади. Бундан албатта, мухлислар рози.



ТАЛАБ ҚОНДИРИЛАДИГАН БЎЛДИ

Яқинда Банкокда Ўзбекистон футбол федерацияси раҳбарлари ОФК бош котibi Питер Велоппанга Осиё кубоклари (клублар ўтасида) турнирининг таквими бизнинг жамоамиз манфаатига мос эмаслиги хусусида маълум килганди. Шунга кўра ОФК бош котibi бизнинг талабларимиз шу йилдан бошлаб қондирилишини билдириди.

ҚИЗЛАРИМИЗ БИШКЕККА БОРДИ

Чирчиқ шахрида ниҳоясида етган футбол бўйича аёллар ўтасида Ўзбекистон чемпионати голиблари Андижоннинг "Андижонка" ва Наманганнинг "Гулбахор" жамоалари 25 июндан 3 юлгача Бишкек шахрида бўлиб ўтадиган Марказий Осиё чемпионатида катнашадиган бўлди.

"ДИНАМО" КОРТЛАРИДА ҲАЯЖОНЛИ КУНЛАР



Мана, бир ҳафта давомида пойтхатимиздаги "Динамо" спорт мажмууда WTA таснифида киравчи "Тошкент Open" аёллар теннис турнири давом этди. Унда 50 дан зиёд ракетка усталири минглаб мухлисларга ўз имкониятларини намоён этиди. Эндижина 6 йиллик тарихга эга бўлган ушбу турнир ITF тоифасига киравчи "Челенжер" мусобақаси тарзида ташкил этилган бўлса-да, бугун унинг довруғи ҳамма теннисчи аёлларни ўзига жалб этган. Шу боис, ҳозиргacha мамлакатимизга машҳур спортчилар ташриф буюриди. Айтиш лозимки, бундай ташрифларнинг бош сабаби турнирнинг мукофот жамғармаси ёки рейтинг очкорлари эмас, балки ўзбекнинг бағри кенглиги, меҳмондустлиги, саҳйлигидир. Бошқа мамлакатларда мукофот фонди 1 миллиондан 10 миллионгача доллар бўлган катта мусобақалар ҳам кўп. Лекин, спортчилар орасида бундай мусобақалардан кўра, Ўзбекистон кортларида бахсларни афзал кўрадиганлари талайгина. Ўтган йили Тошкентда ўтган "Президент кубоги" анъанавий халқаро турнири ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Сиднейда XX асрнинг энг сўнгги

нуфузли мусобақаси — Олимпиада ўйинлари бошланниш арафасида "Юнусобод" кортларига Е. Кафельников, М. Сафин, Г. Рузетски каби жаҳоннинг кучли теннисчилари ташриф буюрганди.

"Tashkent Open" аёллар турнирнинг очилиш маросимида кўплаб теннис мусобақалари асосчиси Сассон Какшури жонблари ҳам Ўзбекистон чиндан ҳам дунёнинг кўплаб етакчи теннисчилари учун кадрдан бўлиб қолганлигини ўтироф этди.

Кортда қолган вакилимиз Ирода Тўлаганова кечга чорак

финалини ўтказди. Натижалар билан келгуси сонда танишишингиз мумкин.

PS: "Tashkent Open" халқаро турнирнинг мукофот жамғармаси ҳакида маълумот:

ғолиб — 22.000 доллар (АҚШ) + 140 рейтинг очкоси.
финалчи — 12.000 доллар + 98 рейтинг очкоси олади.

Ха, музли майдонларда 31 майдан эътиборан мавсум тутаган. Хоккей ишикбозлари ўз жамоалари фаолиятига кеч кузга қадар "баҳо" бериш билан овора бўладилар. Лекин хоккейчилар учун таътил — дам олиш эмас. Уларнинг таътилдаги асосий тадбирларидан бирине мавсумда қайси жамоа таркибида фаолият кўрсатиш масаласига ечим топишдан иборат. Ушбу мавсум ҳам

МУЗЛИ МАЙДОНЛАРДА ТАЪТИЛ ТАДБИРЛАРИ

спортиларнинг клубдан-клубга ўтиши борасида "рекорд йил" бўлса ажабмас. Биргина мисол. Россиянинг ЦСКА хоккей жамоасидан бир мавсумда 15 спортичининг "кетиб колиши" табиийдек тувлса-да, 32 марта мамлакат чемпиони бўлган клуб шаънига ярашмайдигандек. Умуман, авваллари биринчи ҳолатларда жамоадан кетиш ҳолатлари кузатилган бўлса, эндиликда клубларнинг янги мавсум олдидан 90 фойз гача янгиланишига ҳам кўниши керак бўлар. Бунда бир жиҳатда эътибор бериси лозимки, қайси мурабабий жамоасига кучлиларни йига олса, улар ўйинини қовуштира билса, янги мавсумда муваффақият ўшларни.

Нигина ПОЛТАЕВА

Жорий йилда мактаб ўқувчилари ўтасида ўтказилган оммавий спорт мусобақалари кўпчиликда ўзгача таассурот қолдигани маълум.

"Умид ниҳоллари" дея нам олган ушбу мусобақаларнинг келаси йил финал учрашувлари Фарғонада ўтадиган бўлди. Шаҳардаги "Шодлик" гимназиясида бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларини ўтказиш ташкилий кўмитасининг семинар-кенгашида ана шундай қарорга келинди.

Семинарда республикамизнинг бир қатор вазирлик ва идо-

«УМИД НИҲОЛЛАРИ» ФИНАЛИ ФАРГОНАДА

ралари раҳбарлари, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари таълими ҳамда спорт соҳаси мутасаддилари иштирок этди. Унда келгуси йилнинг март ойида ўтказиладиган финал беллашувларига тайёргарлик ишларини буғунданоқ бошлаш

зарурлиги таъкидланди. Синфлараро, мактаблараро, туманлар ва вилоятлар миқёсидаги мусобақаларни юксак савида ўтказиш билан боғлик вазифалар мұхокама этилди. Бу спорт ўйинларининг барча босқичларида иштирок этадиган ўқувчилар ўзларини "Умид ниҳоллари"нинг чинакам қатнашиси дея хис этиши ва бундан фахрланишига эришиш лозимлиги уқтирилди.

Иғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчisi Т. Рисқиев, Фарғона вилояти ҳокими А. Отабоев қатнашди.

ЧЕМПИОН ОФИР АҲВОЛДАМИ?

Оғир вазнли боксчилар ўтасида Европа чемпиони, машҳур боксчилардан саналган россиялии Евгений Болоусов "тез ёрдам" оркали оғир аҳволда касалхонага ётқизилган эди. Даволочи врачлар уни бош мия суюгининг синиши ва мия чайқалиши, чап тиззасининг синиши каби оғир жароҳатлари билан қабул қилиб олишганди. Лекин ўтган қисқа муддат ичида беморнинг аҳволи яхшиланиб улгурди. У кечга маъзалий врачлар назоратида бўлиш шарти билан уйига руҳсат олди. Нейрохирург ва травматолог даволовчи врачларнинг фикрича, олинган жароҳатлар жароҳирча ҳеч қандай хавф тудирайтгани йўқ. Гипслар эса, унинг соглигининг ўзгаришига қарор ечилади. Хўш, 31 ёшли челябинсклик спортчига нима бўлганда? Бу ҳақда унинг ўзи бир оғиз ҳам гапиришини холамаяти. Журналистлар ҳам воқеа юзасидан "шикоят"нинг мавжуд эмаслиги жиноий иш очишга ҳалал бермоқда. Узункулоқ галларга кўра, тунги кафелардан жанжал бунинг сабаби бўлиши мумкин.





Пойтахтнинг Юнусобод туманиндағы 288-мактаб қошида "Камалак" номли оромгоҳ иш бошлади. Бу ерда 100 нафар ўкувчи ҳордик чикармокда.

Суратларда: ёш футболчилар сардори Бекзод Каунбоев билан болалар майдонга кетишмокда. Болалар "Ким күпроқ уриб йикитади", ўйинини ўйнашмокда.



ЎҚИТУВЧИГА АЙТАР СҮЗИМ

Ўз ўкувчиларининг мустақил фикрларига имконият яратмаган ўқитувчини ерга ёмғир беролмаган булутига қиёслаш мумкин.

Инсон улгайган сари унинг истаги заруратта гайланади, у ўз касбингиз фидойиси бўлганда гина хис этган зарурати рўёбга чиқа боради.

Ўқитувчилик ва мактабга ражбарлик дунёдаги барча касбларга қараганда ниҳоятда нозикдир. Чунки бу соҳада кирк йил самарали ишлаган бўлсангиз ҳам, йўл кўйган кичик камчилигингиз сизни кечириб бўлмайдиган ҳолатта олиб келади.

Ҳар бир инсон ота-онасига, Ватанига, фарзандларига нисбатан меҳр-муҳаббатли бўлади,

Qaydlar

аммо ўқитувчининг муҳаббати ўқувчисининг қалбидан жой олгандағина у ўз ўқувчисининг бир умрлик меҳр-муҳаббатига сазовор бўлади.

Азиз муаллим, қадрли мураббий! Сиз ўз касбингиздан магурланиш, завқланиш хиссини туйсангизги, асабларынан жойида бўлади, доимо ўзингизни бардам хис этасиз. Бунга имоним комил!

Ўқувчи қалбини билиш — унинг сўзини тинглаш билан ҳал бўлмайди, ўз иши учун бутун вужудини баҳшида этган, самимилигини намоён қылган фидойи ўқитувчигина ўқувчиси қалбига йўл топа олади.

Ёш мутахассисга синф ражбарлиги топширилганда у биринчи галда синфдаги ҳар бир ўқувчисининг оиласини ўрганишдан бошлагани маъкул. Ана шундагина ўзаро ҳамкорлик яхши йўлга кўйлади.

**Аскар СУЛАЙМОНОВ,
Тошкент шаҳри
Сирғали туманиндағи
237-мактаб раҳбари**


Тошкент вилояти Зангига туманиндағи 5-ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Раҳматуллаев Абдуқахор Турсунович номига берилган 021497 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги атtestat йўқолганлиги сабабли

БЕКОР КИЛИНАДИ.

КАЛДЛАР НУРГА ТЎЛМОҚДА

Кармана туман ҳалқ таълими бўлими ходимлари таълим ислоҳотларини оширишда қатор ютуқларни кўлга киритмоқдадар. Тумандаги Беруний номли 5-ўрта мактаб вилоят мактаблари орасида ҳам алоҳида ажралиб турди. Мактаб замонавий бинода жойлашган. Қувонарли томони шундаки, мактаб жамоаси вилоятда биринчилардан бўлиб синхоналар ва мактаб биносини тъмирдан сифатли чикарди. Мактаб директори Муҳаббат Қурбоновнинг жонкуярлиги туфайли янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилди. Бундан ташқари, мактаб қошида ташкил этилган "Фунча" болалар оромгоҳида икки босқичда ўз нафар болакайлар дам олишади. Болажонларнинг таътил мавсумида завкли дам олиши учун оромгоҳда барча қулайликлар муҳайё этилган.

БОШКОТИРМА



- Кимё лабораториясида энг кўп ишлатиладиган асбоб.
- Ош тузи билан шакарнинг сувдаги эритмаси нима деб аталади?
- "Бирга бўлиш, камраб олиш" сўзидан келиб чиқсан биримканинг нима деб аталади?
- Ўсимлик колдикларидан ҳосил бўладиган қора ёки қоракулранг тусли қаттиқ казилима ёқилганинг номи нима?
- 1817 йилда Я.Берцелиус қашф қылган элемент номи?
- Ароматик углеводородлардан биринчий номи.
- Тўйинган ёғ углеводородлари каторининг бир валентли радикалининг номи?
- Толали тузиленг минераллар группаси?
- Бир атомдан ташкил топган газларнинг номи?
- Молекулаларнинг тузилиши ва физик кимёвий хоссалари ҳақидаги таълимотни қайси кимё курси ўрганади?

**Риштон туманиндағи 45-мактаб ўқитувчи
Махфират АБДУРАҲИМОВА тузди.**

ШУ ЙИЛ 9 ИЮНДА БЕРИЛГАН "ХАШАРОТЛАР ОЛАМИ" АЙЛАНМА КРОССВОРДИННИНГ ЖАВОБИ:

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. Чигиртика. 2. Хитин. 3. Қандала. 4. Ниначи. 5. Хонқизи. 6. Личинка. 7. Нектар. 8. Бурга. 9. Симбиоз. 10. Эмбия. 11. Чумоли. 12. Асалари. 13. Капалак. 14. Фумбак. Суварақ. 16. Қанот.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти томонидан Хурбоев Нормат Ибрағимовичга 1983 йил 1 июнда берилган ИВ-1 238133 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР КИЛИНАДИ.

Туркманистан Давлат тибиёт институти томонидан Галиева Розия Иноятулнова номига 1981 йилда берилган Д-1№408998 рақами диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР КИЛИНАДИ.

Ган. Дам олиш хоналари, расм-чизмачилик, ашула-рақс хоналари, спорт ўйингоҳи, кутубхона, душ ҳамда маънавият ва маърифат хонаси болалар ихтиёрида. Мактабнинг бош ҳомийлари туман ҳокимлиги ва Кармана тайёрлов идораси (бошлиғи Икром Жўравев) эътибори туфайли оромгоҳда болаларнинг қалби шодликка тўлмоқда.

Бундан ташқари оромгоҳ дастурига кўра болаларни вилоятдаги қадимий ёдгорликлар — Малик Работ, Сармиш, Нурота чашмаси, Зарафшон дарёси бўйлаб саёҳатга олиб чиқиш ҳам режалаштирилган, — дейди туман ҳалқ таълими бўлими мудираси Зиёда Мирбобоева.

Ўтқир Пўлат

ГАЛИКАРНАС ДАҲМАСИ

Галикарнас — қадимги Кичик Осиё соҳилида жойлашган юон шаҳарларидан бири бўлиб, ўз замонасида ниҳоятда гўзлалиги билан шуҳрат қозонган. Оқ мармардан ишланган мухташам қасрлар, театrlар, шоҳ саройи, боғлар, кенг кўчалар шаҳар хуснига хус кўшиб турган. Шаҳарда қад кўтарган шоҳ Мавсол мақбари Галикарнаснинг довруни оламга таратган.

Мақбара курилиши шоҳнинг ҳаётлик даврида бўшланған эди. Мавсол маккор ва эхтиёткор ҳукмдор бўлиб, кўшни мамлакатларни талаб, халқка катта соликлар солиб, беҳисоб бойликлар ортириган эди. Шу текин болликинни ифода эта олади.

Мақбара куриб битказилмасдан мақли Артемисия ҳам вафот этади. Унинг ўнинг Галикарнасага ҳоким бўлиб олган ўғли мақбара қурилишини давом этишириши буоради.

Ниҳоят, мақбара томи — 24 зинали

Dunyoning yetti mo'jizasidan biri

лар эвазига ўзига атаб мақбара куришини истаб қолади ва мақбара бунёд этиши учун замонасининг энг машкур меморлари ва ҳайкаларо шашларни таклиф килади.

Санъаткорлар шоҳга мансур бўладиган мақбара куриш учун бор иқтидорларини ишга соладилар ва катта, тўғри тўртбурчак, кенглиги 66 метр, узунлиги 77 метрга яқин, баландлиги 46 метри у бўлинмадан иборат иншоот лойиҳасини яратишиади. Биринчий бўлинима оқ мармардан баланд қилиб ишланган зинали тагкурси бўлиб, унда Мавсол ва Артемисияларнинг мақбари жойлашади. Юқори қисми бинонинг тўрт томонини ўраб турувчи мармардан ишланган бўртма шакллар билан безатилади. Бино юқорисидаги иккинчи бўлинманинг атрофи қатор устунлиси саҳна бўлиб, бу ер илоҳий шоҳ ва унинг рафиқаси шарафига курбонлик килиш учун мўлжалланган. Устунлар сербезак, пирамонлар билан ясатилган. "Бинонинг энг тепасига мармардан ишланган ҳайкал — тўрт от юйшилган иккиси гидиракли арава, бинонинг кўни кисми атрофида шерлар ҳамда отларни елдирли бораётган суворийларнинг ҳайкаллари ўнатилган, мақбрадаги қўйи ва юкори хоналарнинг шифтларини ички томондан ўн бешта устун кўтариб туради.

Ушбу лойиҳани шоҳ Мавсол ва мақли Артемисия маъқуллар, куришиши шашларни башшарлаб юборишиади. Меморларнинг лойиҳасига кўра, курила жак макбара Галикарнас шаҳрининг энг бой ва кўркм иншиоти бўлиб, шаҳарнинг қоқ марказида жойлашиши керак эди. Лекин шоҳ Мавсол ниятига етолмай вафот этади. Малика Артемисия мархум эрининг хотирасини абадийлаштириш учун одамларни ҳам, маблагни ҳам

мармар пирамида ҳам битади. Унинг тепасига маҳсус, мураккаб механизмлар ва ёғоч ҳавозалар ёрдамида мармар ҳайкал — тўрт от юйшилган араванинг айрим-айрим қисмлари олиб чиқиб ўнатилади.

Шоҳ ва маликанинг мармардан ясалган тутгларни мақбара биринчи қаватининг хилмиларини ўнталади. Кабрларнинг атрофига мармардан ясалган, елиб бораётган суворийлар ва улкан шер ҳайкаллари ўнатилади. Шаҳзода ота-онаси сингари қанча шошилмасин, унга ҳам мақбаранинг битишини кўриш насиб килади. Мақбара Мавсолининг невараси даврида куриб битказилди. Галикарнас мақбари ҳали битмасдан энг айхоб санъат ва меморларни обидаси сифатида бутун оламга машхур бўлиб кетди.

Искандар Зулкарнайн форслар устидан галаба қозонганидан кейин унинг күшинлари Галикарнасни аёвсиз талайди, ваҳшиёна равишда вайрон қилади. Бирор, оламнинг етти мўжизасидан бири бўлмиш мақбара омон қолди. У XV асрда қадар, шавқатсиз ва хожил салиби рицарлар бостиридан келгунча яшади. Салибчилар мақбарани вайрон килишади, унинг деворлари ва устунларидаги тасвиirlарни, тилла суви юритилган бронза безакларни синдириб олиб кетадилар. Бутун оламни ҳайратда қолдирган машкур обиданнинг хаёти мана шундай аянчи тарзда ниҳоясига етди. У дейрлай 1800 йил умр кўрди.

XIX аср ўрталарида Кичик Осиё соҳилинин тадқиқ этагетган сайдёхлар ўтга аср қалъаси бўлган Будруннинг деворларидан шоҳ Мавсол мақбасига тегишили мармар плиталар, тасвиirlарни топадилар.

**Мадамин БОЙМАТОВ
тайёрлади.**

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Кўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатта олинган.

ИНДЕКС: 149, 150.

Г-2517. Тиражи 26.348.

Г. 1 2 3 4 5 6

Ҳажми 4 босма табоб, Офсет усулида босилган, қозоғ бичими А-3.

Босишга топшириш вақти — 20.00.

Топширилди — 20.00

Ma'rifat

ТАБСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Ҳалқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Халим САЙДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жумана зар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул коғиб), Курбонбой МАТҔУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАҚИМОВ, Ўтқир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-й

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъудидилар. «Ма'rifat»дан материалларни кўчириб босши таҳририят руҳсати билан оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди. Рентиш компютерида

Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

Навбатчи муҳаррир: Шарифа МАДРАҲИМОВА, Навбатчи: